БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 26 (6701)
5 ФЕВРАЛЬ ЧОРШАНБА 1947 йил
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

1947 йил 16 февраль — Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов куни.

ОЛИЙ СОВЕТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТОБОРА ҚИЗИТАЙЛИК!

ЎзССР Олий Советига сайлов куни — 16 февральга саноқли кунлар қолди. Ҳозир бутун республикамиз, бутун ўзбек халқи зўр ғайрат ва иштиёқ блан сайлов кунига тайёрланмоқда. Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида номзодлар ўз сайловчилари блан учрашмоқдалар, корхоналар ва колхозларда сайлов олди мусобақаси тобора қизимоқда, меҳнаткашлар сайлов арафасида Ватанимизга, большевиклар партиясига, улуғ Сталинга ўз садоқат ва муҳаббатларини изҳор қилиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бутун республика сайловга қизғин тайёрланмоқда. Пропагандистлар, агитаторлар меҳнаткашлар оммаси орасида пропаганда-агитация ишларини қизитиб юбормоқдалар, меҳнаткашларга сайлов қонунини, коммунистлар блан партиясизлар блокининг аҳамиятини, сайлов тартибини яхшилаб тушинтириб бермоқдалар.

Сайлов яқинлашган сари партия ва профсоюз ташкилотлари тайёргарлик ишларини яна бир марта кўздан кечиришлари, сайловга тайёргарликни ҳар вақтдагидан ҳам қизитиб юборишлари, сайловга тайёргарликдаги ташкилий камчиликларга ва пропаганда-агитация соҳасида йўл қўйилган камчиликларга хотима беришлари керак.

Ҳолбуки республикамизнинг область, шаҳар, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари ЎзССР Олий Советига сайлов муносабати блан олиб борилаётган ташкилий тайёргарлик ишлари ва пропаганда-агитация ишлари қандай қўйилганлигини кун сайин текшириб турмаётирлар.

Самарқанд, Ҳоҳоро, Қашқадар'ё, Тошкент ва бошқа областьларда ҳамда Тошкент шаҳрида ўтказилган текшириш шуни очиқ кўрсатадики, сайловга тайёргарлик ишларида жуда кўп камчиликлар содир бўлмоқда. Кўп агитпунктлар сайловчилар орасида агитация ишларини кучайтирмаганлар, агитаторлар кўп вақтда сайловчиларга сайлов Низомининг айрим моддаларини ўқиб бериш блан қаноатланадилар. Тошкент шаҳрининг Куйбишев ва Сталин районларидаги, Бухоро областининг Қизилтепа ва Қоракўл районларидаги, Наманган областининг Тўрақўрғон районидаги ва бошқа районлардаги агитпунктлар ана шундай ишламоқда. Фарғона областидаги маданий-оқартув муассасалари сайлов кампаниясига яхши хизмат қилмаётир. Областьда 125 та қишлоқ қизил чойхоналари бор. Аммо бу чойхоналарда маданий-оқартув ишлари ёмон аҳволда. Сўх, Бувайда ва Охунбобоев районларидаги кўп чойхоналарда қизил бурчаклар ташкил этилмаган, бу чойхоналар сайловга доир адабиётлар, газета-журналлар блан ҳам та'минланмаган. радио ишламайди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, ба'зи партия ташкилотлари агитпункт ва агитаторларнинг ишларига раҳбарлик қилмай, уларни ўз ҳолларига ташлаб қўядилар. Партия мажлисларида агитпункт ва агитаторларнинг ҳисобини эшитмайдилар ва уларга йўл-йўриқ кўрсатмайдилар.

Кўп жойларда агитация-пропаганда ишлари ишлабчиқаришдан ажратилган ҳолда, олдимизда турган хўжалик-сиёсий вазифалардан ажратилган ҳолда олиб борилади. Агитаторлар номзод ҳақида агитация қилганда ишлаб турган корхона, колхозининг ҳаёти, унда олиб борилаётган ишлар ҳақида кам гапирадилар, кўпроқ номзоднинг таржимаий ҳолини сўзлаб бериш блангина кифояланадилар. Номзодларнинг сайловчилар блан учрашуви ба'зи вақтда ортиқча дабдаба-тантана тусини олади. Сайловчиларнинг фикрлари, уларнинг маҳаллий ташкилотларни танқид қилиб ўз номзодларига наказ беришлари катта аҳамиятга эга эканлигига э'тибор қилинмайди. Қарши, Наманган, Самарқанд, Чуст, Каттақўрғон, Бухоро шаҳарларида маҳаллий ташкилотлар сайлов кунларида сайловчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишга, коммунал муассаларнинг ишидаги камчиликларни йўқотиш ишларига кам э'тибор бермоқдалар.

Сайлов кампанияси давриде матбуотнинг роли жуда катта. Афсуски республика область газеталари сайловга тайёрликни ёмон ёритмоқдалар. Газеталарнинг саҳифаларида партия ташкилотларининг сайловга тайёргарлик ишига раҳбарлик қилишдаги камчилик ва хатолари қаттиқ танқид қилинмаётир. Шуни айтиш керакки кўп область газеталари сайловга тайёргарликни бир томонлама ёритмоқдалар. Улар фақат номзодлар ҳақида очерклар ёзиш, учрашувларни ёритиш блан қаноатланмоқдалар.

«Қашқадар'ё ҳақиқати» газетаси (муҳаррири Ўртоқ Каримов) сайлов муносабати блан халқнинг қувончи, ишчи, колхозчиларнинг фидокорона ишлари, халқ орасидан чиққан номзодлар—илғор кишилар ҳақида кўпроқ ёзиш ўрнига область партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари тўғрисида бирнеча бор ортиқча дабдабали мақолалар босмоқда. Газета Сталин Конституциясини пропаганда қилиш мақсадида берган мақоласида қўпол хатоларга йўл қўйган. Бошқа область газеталарида ҳам катта камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Бундан ташқари, сайловга тайёргарликнинг ташкилий-техника томонларида ҳам катта камчиликлар содир бўлмоқда. Самарқанд, Бухоро, Тошкент областьлари, айниқса Тошкент шаҳрида кўп участка сайлов комиссиялари яхши ишламаётирлар, сайловчиларнинг рўйхатларини тузишда талай чатоқликлар бор.

ЎзССР Олий Совети сайловига 11 кун қолди. 1947 йил 16 февраль куни ўзбек халқи большевиклар партияси атрофида, улуғ Сталин тевирагида маҳкам жиплашганлигини, ўзининг садоқатини яна бир марта намойиш қилади. Совет кишиларининг сайловларда фаол қатнашишлари, ўз бурчларини садоқат блан ўташлари равшан. Лекин бундан сайловга тайёрлик даврида пропаганда-агитация ишларини кучайтириш зарур эмас деган ма'но келиб чиқмайди. Аксинча, сайловга саноқли кунлар қолган ҳозирги вақтда бутун тайёргарликни кўздан кечириб чиқиш, сайловчиларга сайлов Низомини, овоз бериш тартибини тушунтириб бериш, сайлов кунини, сайлов ўтадиган жойни айтиб бериш—агитаторларнинг энг муҳим вазифасидир.

Сайловга тайёргарлик муносабати блан олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишлар хўжалик-сиёсий вазифалар блан маҳкам боғлаб олиб борилиши керак. Меҳнаткашларни Сталинча тўртинчи бешйилликнинг иккинчи йили вазифаларини бажаришга, пахтачиликни ривожлантиришнинг Сталинча программасини бажаришга, тракторлар ремонтини ўз вақтида тамомлаш ва кўклами шайланиб кутиб олишга сафарбар қилиш ҳозирги кунда сайлов олди агитациясининг энг муҳим вазифасидир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗАДИГАН МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ МАКТУБИ

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссияси сайлов кунига тайёрланиш ва сайловни ўтказиш тўғрисида барча участка сайлов комиссияларига мактуб юбориб, амалий йўл-йўриқлар берди.

Марказий сайлов комиссияси участка комиссияларига сайлов куни сайлов участкаларининг ишида энг мас'улиятли кун эканлигини эслатиб, овоз берадиган биноларни жиҳозлаш, овоз бериш куни ва овоз берадиган жой ҳақида сайловчиларни хабардор қилиш, сайлов бюллетеньларини қабул қилишни уюштириш, овозларни саналаш, овоз бериш натижалари ҳақида округ сайлов комиссияларига ўз вақтида ма'лумот бериш ва бошқа ишлар тўғрисида бирқанча амалий кўрсатмалар берди.

Участка сайлов комиссиялари овоз берадиган хоналарнинг сайлов кунигача тегишинча жиҳозланишини, ўтин-кўмир блан та'минланишини, участка биносининг ёритилишини кузатиб бориши, яшириқ овоз бериш учун зарур шароитни та'минлашлари лозим.

Махсус хоналар ва кабиналарда бюллетеньларни тўлдириш учун столлар ва қаламлар бўлиши керак. Барча сайловчиларнинг сайловда қатнашишларини та'минлаш мақсадида участка сайлов комиссиялари сайлов олдидан сайлов куни ва овоз бериш ўрни тўғрисида сайловчиларни хабардор қилишлари, бунинг учун плакатлар, деворий газеталар, радио ва бошқа шу каби воситалардан кенг фойдаланишлари лозим.

Участка сайлов комиссияларининг раислари ва секретарьлари белгиланган нусха ва рангдаги бюллетеньлар ҳамда шу сайлов округида овозга қўйиладиган номзодлар учун белгиланган бюллетеньлар етарли миқдорда олинганлигини шахсан текширишлари керак. Участка сайлов комиссиялари ўзлари учун белгиланган жиҳозлар, печать, ҳужжатлар, сайлов бюллетеньларининг эҳтиёт ҳолда сақланишини та'минлашлари лозим.

Участка сайлов комиссиялари сайлов кунида сайлов участкалари биносида одамлар навбат кутиб қолмаслиги, сайловчилар бюллетеньларни тез олишлари, рўйхатчилар эса, сайловчиларнинг номларини рўйхатдан дарҳол топиб олишлари учун зарур чоралар кўришлари керак.

Қорақалпоғистон АССР территориясида ҳарбир сайловчига бир йўла турли рангдаги иккита сайлов бюллетени берилади. Буларнинг бири—Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов, иккинчиси—Қорақалпоғистон АССР Олий Советига сайлов бюллетенидир.

Марказий сайлов комиссиясининг мактубида овоз бериш ишини бўлишини та'минлашга алоҳида э'тибор берилади. Участка сайлов комиссиялари «Сайловлар тўғрисида Низом»даги ҳамма талабларга қаттиқ риоя қилишишини кузатиб туришлари лозим. (ЎзТАГ)

ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАЛИН САЙЛОВ ОКРУГИДА

Улуғ Сталин учун овоз бериш — буюк шараф

САЙЛОВ ОКРУГИДА БИР КУН

СУҲБАТЛАР

Якшанба куни сайлов участкалари ва агитпунктларга тўқимачилар, машинасозлар, пойафзалчилар, уй-рўзғор ишларидаги аёллардан 2 мингдан кўпроқ киши келди. Улар рўйхатдан ўз номларини текширдилар, сайлов тўғрисида лекциялар эшитдилар. Сайловчиларнинг суҳбатларида улуғ Сталинга миннатдорчилик ҳисси сезилиб турар эди.

— Мен бундан тўрт ой илгари ўз уйгоналарим блан бирга колхоздан бу ерга келдим, — деди 18 яшар Ойгул Жочайдирова. Биз тўқувчилик ҳунарини ўрганмоқчимиз. Ҳозир тўқув фабрикасида мастер ёрдамчиси ихтисосини ўрганишга киришдик. Бу ерда партиямизнинг, шахсан Ўртоқ Сталининг ишчилар тўғрисида, уларнинг турмуши ҳақида қилаётган ғамхўрлигини сезиб турибмиз. Совет ёшларининг отаси ва дўсти улуғ Сталин учун овоз берадиган кунни сабрсизлик блан кутаётирмиз.

5-нчи агитпунктда сайловчилар Иваново тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, ўз қизига меҳмон бўлиб келган Ўртоқ Тараканованинг суҳбатини завқ блан тингладилар.

— Бундан 10 йил илгари, — деди Ўртоқ Тараканова, — Иваново тўқимачилари мени стахановчилар қурултойига вакил қилиб юбордилар. Танаффус вақтида Иосиф Виссарионович ёнимизга келиб, биздан ҳол-аҳвол сўради, ишимиз ва ҳаётимиз ҳақида суҳбатлашди. Бу, менинг ҳаётимда энг қадрли дақиқа эди. Биз шу суҳбатимизда Ўртоқ Сталинга, янада унумли ишлаймиз, мамлакатимизга газламани тобора кўп берамиз, деб ва'да бердик. Биз бу ва'дамизни бажардик. Аммо, халқимиз биз тўқувчилардан янада кўпроқ газлама ишлаб чиқаришни талаб этмоқда. Бир кучимизга ўн куч қўшиб ишлайлик. Мен бу ерга меҳмон бўлиб келдим.

Мен шу ерда улуғ Сталин номзодига овоз бериш шарафига муяссар бўлганим учун қувонаман.

Суҳбат узоқ давом этди. Сўзга чиққан барча сайловчилар Иосиф Виссарионович Сталин учун хурсандчилик блан овоз беришга тайёр эканликларини айтдилар.

АГИТМАШИНА КЕЛДИ

Якшанба куни округнинг кўчалари говжим эди. Округга чиройли қилиб безатилган агитмашина келди. Оркестр садолари жаранглаши блан, дарҳол жуда кўп халқ тўпланди. Агитаторларнинг қисқача нутқидан кейин ўйин бошланди.

— Мен 50 йилдан буён шу маҳаллада яшаймаман. Кўчамиз ҳеҳқачон бугунгидек говжим бўлган эмас эди, — деди Ўртоқ Умри Мирзаева. — Улуғ Сталин, большевиклар партияси ва Совет давлати бизлар учун бахтли ҳаёт яратиб бердилар.

КЕЧҚУРУН

Кечқурун агитпункт бинолари, клублар, тўқимачилар саройи электр нурлари блан чароғон бўлиб кетди. Агитпункт ва клубларда Ўртоқ Сталининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида лекциялар ўтказилди, картиналар кўрсатилди. Шаҳар театрларининг артистлари тамоша қўйиб берди.

Пойафзал фабрикасининг клубида бўлган йиғилишга 800 га яқин киши қатнашди. Сайловчилар Ўртоқ Сталин тўғрисида цех мастери Ўртоқ Исмоиловнинг сўзини, болалар тарбияси тўғрисида мактаб директори Ўртоқ Муҳамедовнинг лекциясини тингладилар.

Якшанба куни Сталин сайлов округида ярим кечагача шод-хуррамлик давом этди. Ҳамма ерда музика, ашула, шодиёна хурсандчилик овозлари жаранглар эди.

Н. ВАГАНОВ.

БИЗНИНГ ҚУВОНЧИМИЗ

16 февраль кунини сабрсизлик блан кутмоқдамиз. Биз шу куни отамиз, устозимиз улуғ Сталин учун овоз берамиз. Барча ғалабаларимизнинг ташкилотчиси Сталин учун овоз бериш ҳаммамиз учун катта бахт.

Биз сайлов кунини муносиб совғалар блан кутиб олишга қарор қилдик. Ҳозир мен ишлаётган тайёрлов цехининг ишчилари кунлик нормаларини 200 процентдан бажармоқдалар. Мен шу кунларда планни 300 процентдан бажараётирман. Этик қолипловчи Обидов, Аюпов, Цитникова ва бошқалар ҳам икки нормадан кам ишламаётирлар.

Тайёрлов цехи бичув цехи блан социалистик мусобақа боғлади. Сайлов олди мусобақасида биринчилик учун кураш ҳар икки цехда ҳам кучайиб кетди. Стахановчи Доронина, Антонова, Силина, Спикиналар меҳнат унумини кун сайин оширмоқдалар.

Биз Ўртоқ Сталининг совет кишилари тўғрисида қилаётган ғамхўрлигини сезиб турибмиз. Сталинча янги бешйилликда меҳнаткашларнинг ҳаёти янада яхшиланишига тўла ишонамиз.

Мамлакатимизни тобора яшнатиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилиш талаб этилади. Биз халқимизга кўпроқ пойафзал етказиб бериш учун бир кучимизга ўн куч қўшиб ишлаймиз.

16 февраль куни бир кишидек бўлиб сайлов қутилари ёнига борамиз ва отамиз, устозимиз Ўртоқ Сталин учун қувона-қувона овоз берамиз.

Бобохон АҲМЕДОВ.

Тошкентдаги биринчи пойафзал фабрикаси тайёрлов цехининг ишчиси.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ҚАФЕДРАЛАРИ МУДИРЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКАЛАРАРО КЕНГАШИ ОЧИЛДИ

4 февраль кечқурун, Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Ўрта Осиё республикаларидаги олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг кенгаши очилди.

Кенгашда икки доклад тингланди. Биринчи масала — «ВКП(б) Марказий Комитетининг мафкуравий ишлар тўғрисидаги масалалар юзасидан чиқарган қарори муносабати блан олий ўқув юртларида ижтимоий фанларни ўқитиш ва студентларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш соҳасидаги вазифалар ҳақида» Олий та'лим министрлиги марксизм-ленинизм фанини ўқитиш бўлимининг бошлиғи доцент Ўртоқ Шевцев доклад қилди. Иккинчи масала—«Тарих фанининг ҳозирги масалалари» тўғрисида тарих фанлари доктори профессор Третьяков доклад қилди.

Кенгаш ишларида ЎзК(б)П Марказий Комитетининг секретарьлари Н. А. Ломакин, Г. М. Ваҳобов Ўртоқлар, ВКП(б) Марказий Комитети пропаганда-агитация бошқармасининг бўлим мудири Ўртоқ В. С. Фомичев қатнашмоқдалар. Кенгашда 500 дан ортиқ киши иштирок этмоқда. Булар орасида вакиллардан ташқари Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларининг илмий ходимлари, ўқитувчилари ва ёзувчилар ҳам бор.

Кенгаш бирнеча кун давом этади.

«ИОСИФ ВИССАРИОНОВИЧ СТАЛИН. ҚИСҚАЧА ТАРЖИМАИЙ ҲОЛ» КИТОБИНИНГ ТУЗАТИЛГАН ВА ТЎЛАТИЛГАН ИККИНЧИ НАШРИ

Давлат сиёсий нашриёти «Иосиф Виссарионович Сталин. Қисқача таржимаий ҳол» китобининг тузатилган ва тўлатилган иккинчи нашрини чиқарди. Ўртоқ Сталининг таржимаий ҳолини Г. Ф Александров, М. Р. Галактионов, В. С Кружков, М. Б. Митин, В. Д. Мочалов, П. Н. Поспеловлар ёзганлар.

Бу китоб бир миллион нусха чиқарилади. Китоб тиражининг биринчи қисми яқин кунларда китоб магазинларига чиқарилади.

СТАЛИНГРАД ВА СЕВАСТОПОЛЬ ТЕМИР ЙЎЛ СТАНЦИЯЛАРИ ТИКЛАНМОҚДА

ХАРЬКОВ (ТАСС). Дон округ темир йўлининг қуручилари қаҳрамон шаҳарларнинг темир йўл станцияларини қайтадан қуришга киришдилар. Ҳозир иккинчи Сталинград станциясида янги вокзал, иккита электростанция, йўл бошқармаси учун бино ва бирқанча уй-жой қуришга тайёргарлик кўрилмоқда. Севастопольда қурилаётган йўл станция блан портни вокзал биноси ва уй-жойлар блан боғлайди.

Шу йил охиригача бу шаҳарлардаги бинолар батамом тикланади.

ЎЗССР ЕР ИШЛАРИ МИНИСТРЛИГИ МТСЛАРИ ВА СОВХОЗЛАРИ БЎЙИЧА 1947 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛЬГАЧА ТРАКТОР, КОМБАЙН ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИ РЕМОНТИ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ҲАҚИДА МА'ЛУМОТ

(1946 — 1947 йил кузги-қишки ремонт планига нисбатан процент блан).

Областьлар	Ремонтдан чиқарилган					Тахт қилиб қўйилган тракторлар
	Тракторлар	Комбайнлар	Плуглар	Сеялкалар	Культиваторлар	
Тошкент	62,2	1,5	42,2	21,2	21,7	43,5
Самарқанд	44,5	4,1	25,6	15,8	16,2	33,4
Қашқадар'ё	63,7	6,9	55,6	25,8	12,6	57,9
Сурхондар'ё	65,2	33,8	20,0	5,0	10,0	79,3
МТСлар бўйича жам'и:	57,1	5,4	41,0	20,7	15,5	46,0
Самарқанд область совхозларида	54,7	—	81,9	79,6	62,1	41,1
Қашқадар'ё область совхозларида	64,3	—	37,5	66,6	16,6	46,1
Совхозлар бўйича жам'и:	54,0	—	69,6	77,3	47,2	41,3
Ер ишлари министрлиги бўйича ҳаммаси:	56,9	5,2	42,5	24,6	20,2	46,2

ЎЗССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВНИ ИШЛАБЧИҚАРИШДА ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР БЛАН КУТИБ ОЛАМИЗ

ҚОММУНИСТЛАР МУСОБАҚА ЕТАКЧИСИ

Ўртоқ Длугач директор бўлган машинасозлик заводида сайлов олди социалистик мусобақаси кундан-кун қизимоқда. Ўртоқ Недосенко бошлиқ цех ишчилари маданий ўғит заводлари учун янги аппаратлар тайёрлаб, социалистик мусобақада яхши натижаларга эришаётирлар. Бу цехда Каголько ва Петренко ўртоқларнинг слесарлик бригадалари ҳамма вақт топшириқларни муддатидан бирнеча кун илгари бажарадилар.

Қозон цехининг ишчилари Фарҳод ГЭС учун 830 тонна ҳажмида қалинлиги бирнеча метрли қувурлар тайёрлаётирлар. Коммунистлардан участка бошлиғи Масалский, шунингдек Никитенко, Андрианов, Баршченко ўртоқлар Фарҳод ГЭСнинг буюртмаларини бажаришда ҳамма вақт намуна бўлмоқдалар.

Ҳ. АБУТОЛИПОВ.

ТРАНСПОРТЧИЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ

Тоштрам 2-нчи депосининг коллективи сайлов куни шарафига 6 та вагонни муддатидан аввал ремонтдан чиқариб бериш мажбуриятини олди.

Мастер Хожи Абдувалиев бригадасидаги слесарьлардан Азимов, Мусохўжаев, Мардонов, Муҳамедов, Бақоев, дурадгор Хонёров ўртоқлар кундалик нормаларини икки-икки ярим марта ошириб бажараётирлар.

Сиротенко, Зуннунов, Хлопев ўртоқларнинг ташаббуси блан 2 та вагон муддатидан аввал ремонтдан чиқарилди.

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати 1-нчи йигирув фабрикасининг калавачиси Ҳабиба Исроилова сайлов олди мусобақасига қўшилиб, кундалик топшириқни икки-уч ҳисса ошириб бажармоқда. М. Пенсон фотоси

ФАРҲОД ГЭС ТРАССАСИДА

Тошкент область, Ўртачирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг а'золари Фарҳод ГЭС қурилишида ғайрат блан ишламоқдалар. Колхознинг коммунист Ўртоқ Ем-Ен-Ман бошчилигидаги бригадаси оммавий чиқиш даври учун берилган топшириқни қисқа вақт ичида адо этди. Колхозчилар меҳнат унумини уч марта оширдилар.

Бригаданинг айрим звенолари кунига 6—7 нормадан ишлаётир. Масалан, Тю-Сан-Су звеносидаги колхозчилар ҳар куни 0,8 кубометр ўрнига 5 ярим кубометрдан тупроқ чиқармоқдалар.

Яқинда бу колхознинг а'золари колхоз раиси Ўртоқ Ким-Пен-Хванинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганлигини эшитиб, пландан ташқари 700 кубометр тупроқ чиқариш мажбуриятини олдилар.

С. ЖАЛИЛОВ.

СУРХОНДАР'Ё НЕФТЬ КОНЛАРИДА

Сурхондар'ё областидаги «Ворошиловнефть» трестига қарашли Кукайти нефть кони коллективи сайлов олди социалистик мусобақасини қизитиб, ўтган йил декабрь ойи топшириғини 150,4 процент бажарган эди. Кўкайти конининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари январь ойида ҳам жуда яхши ишладилар. Пармаловчи Ўртоқ Кабанов янги қудуқлар очиш топшириғини анча ошириб бажарди. Механик Ўртоқ Швецов кон электростанциясининг тўхтовсиз ишлашини та'минлаб, конларнинг унумли ишлашига сабабчи бўлди.

Шунингдек Ховдак нефть конининг ишчилари ҳам яхши ишламоқдалар. Нефть чиқариш операторларидан Сулаймонов, Ягафаров, слесарь Абдугалимов Ўртоқлар кунлик ва ойлик топшириқларини ҳамма вақт ошириб бажараётирлар. Пармаловчи мастер Ўртоқ Сухотелин меҳнат унумини 312 процентгача кўтарди.

К. ҚОДИРОВ.

ТОПШИРИҚ ОШИҒИ БЛАН БАЖАРИЛМОҚДА

Фарғонадаги авторемонт заводининг Ўртоқ Ҳайдаров бошлиқ монтаж цехи ишчиларидан Турдиматов, Абрамов, Попов Ўртоқлар ҳар доим кунлик топшириқларни 200 процент адо этаётирлар. Токарь Ўртоқ Попов айрим кунларда ёлғиз ўзи уч кишининг ишини бажаради. Бу Ўртоқлар автомобиль транспорти учун зарур бўлган детальлар тайёрлаб бермоқдалар. Заводда сайлов олди социалистик мусобақаси кундан-кун қизимоқда.

Р. АМИНОВ.

КОММУНИСТЛАР БЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР СТАЛИНЧА БЛОКИНИНГ НОМЗОДЛАРИ

ДОНГДОР МЕХАНИЗАТОР

Ахмадали Маматқулов — Фарғона водисининг донгдор механизаторларидан ҳисобланади. Унинг меҳнат соҳасидаги жўшқун ҳаёти 1931 йилдан бошланди.

... Беповён колхоз даласи. Ҳамма ёқни ларзага келтириб, ер бағрини ёраётган кучли машиналар, ўз тенгқурлари блан бирга меҳнат қилаётган Ахмадалининг ҳавасини келтирди ва унда трактор-чи бўлиш орзусини уйготди.

Ахмадали ана шу орзуга эришиш учун райондаги МТСга трактор-чи бўлиб ишга кирди. 16 ёшга кирган Ахмадали оз вақт ўтмай тракторни ҳайдайдиган бўлиб етишди, барча қисмларни ва уларнинг хизматларини ўрганди. Ҳалол меҳнати, тракторни яхши бошқариши ва топширилган вазифани ўз вақтида пухта бажариши блан МТСда донг чиқарди.

Маматқулов бирнеча трактор-чилар блан бирга Тошкентга ўқишга юборилди. У, бу ерда ремонт механиклари тайёрлаш курсида ўқиб, назарий билимини оширди ва механизацияни яна ҳам яхшироқ ўзлаштирди. Маматқулов ўқишдан қайтиб келгач, трактор бригадасига бошчилик қилди. Унинг бригадаси ҳамма ишда илғор бўлиб, топшириқларни ошиғи блан бажарди. Ахмадали трактор бригаласига раҳбарлик қилиш блан бирга, МТС қошида очилган трактор-чилар тайёрлаш курсида дарс ҳам берди. У, кўпгина трактор-чи етиштирди. Булар Ахмадали сингари меҳнатсевар ва ўз ишининг моҳир усталари бўлиб етишдилар.

Немис босқинчилар ватанимизга хиёнаткорона равишда ҳужум қилган йиллари Ахмадали Маматқулов ҳам қўлига қурол олиб, жонажон юртимизни ҳимоя қилишга кетди. У, Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда мардлик ва маҳорат кўрсатди. Урушнинг сўнгги кунларигача жанг қилди. У, ярадор бўлганига қарамай, ватан душманларига қарши курашни давом этдирди.

Уруш тугаб, Совет Армияси ғалаба қилгач, шонли жангчиларимиз блан бирга Ахмадали ҳам ўз юрти — Фарғона область, Горский районига қайтиб келди. МТС коллективи ватаннинг мард ҳимоячисини ҳурмат блан қарши олди. Маматқулов яна жонажон тракторига ўлтириб, мардона меҳнат қила бошлади. Меҳнатга ғайрат ва маҳорат кўрсатиб, топшириқларни икки-уч ҳисса ошириб бажарди. Ўртоқ Маматқулов намунали ишлаганлиги ва трактор ишлари планини ошириб бажарганлиги учун трактор-чиларнинг республика кенгашига вакил бўлиб келди. У кенгашдан қайтар экан, бу йил яна ҳам яхшироқ ишлаш, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етказишда колхозларга янада кўпроқ ёрдам бериш, тракторларнинг кучидан унумли фойдаланиш мажбуриятини олди. Ўртоқ Маматқулов энг яхши механизатор бўлиши блан бирга, МТСда трактор-чилар орасида оммавий ишларни ҳам олиб боради. Ёш трактор-чиларга та'лим беради.

Фарғона область, Горский районидаги 135-нчи Қизилқиёқ округ сайлов комиссияси республикамизнинг донгдор механизатори Ахмадали Маматқуловни Узбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

А. ИСМОИЛ.

СУРХОНДАР'ЁНИНГ ОТОҚЛИ КИШИЛАРИ

Сурхондар'ёнинг донгдор кишилари ҳақида қалам юритар эканмиз, Вячеслав Михайлович Молотовнинг 1946 йил 6 февральда Москва шаҳар Молотов сайлов округи сайловчиларининг йиғилишида айтган сўзларини эслаймиз. Ўртоқ Молотов бундай деган эди: «Кўп нарса ишлай билишга, айниқса ишлашни ўрганиш учун чинакам истак бўлишига боғлиқдир, албатта. Бизнинг давримизда ҳар бир ишда ҳам кўп нарса кишиларга, раҳбарларга боғлиқдир».

Мана аввалги чўпон, батрак, қирқ етти йиллик умрининг йигирма йилини бойлар эшигида не-не азоб-уқубатлар блан ўтказган, фақат совет ҳокимияти давридагина бахтини топган Ғўлат Хидиров. У ҳозир республикамизнинг шуҳратли, меҳнатсевар кишиларидан бири. Сариосиё районидаги илғор «Ғалаба» колхозининг ютуқларида Ўртоқ Хидировнинг катта ҳиссаси бор.

Ўртоқ Ғўлат Хидиров ўзи туғилган Чуқур қишлоғидаги «Ғалаба» колхозини ташкил этишда актив қатнашди. Шу колхозга уюшган 17 батрак, камбағал деҳқонлар сергайрат Ғўлат Хидировни колхозга раис қилиб сайладилар. 18 йил муттасил раислик қилиб келаётган Ғўлат Хидиров колхозни мустаҳкамлаш йўлида жон-дили блан ғайрат кўрсатиб ишлади.

Колхоз а'золарининг ҳаёти йилдан-йил яхшиланмоқда. 1929 йилда 7 та қорамоли ва 38 та қўйи бўлган «Ғалаба» колхозининг ҳозир 136 та оти, 278 та қорамоли, 12.565 та қўйи, 1.117 та эчкиси бор. Кейинги 8 йил ичида колхоз а'золарига янгидан иморатлар қуриб берилди. Колхозда бирқанча молхоналар, мол қўралари қурилди. Янги мактаб, қизил чойхона, клуб-қироатхона ва колхоз идораси учун янги бино қурилди. 1946 йилда ҳаммом ва электростанция ишга тушди. 75 колхозчининг уйида электр печькалари бор. Колхозда 2 та электр тегирмон ишлаётир. Бутун қишлоқ Ильич чироқлари блан ёритилган.

Ўртоқ Турсун Муҳаммадиев совет ҳокимияти давридагина бахтли ҳаёт кечира бошлади. 1907 йилда Деҳқонобод районидаги Шўргузар қишлоғида камбағал оилада туғилган Турсун Муҳаммадиев 16 йил бойлар эшигида мардикор юрди. Октябрь революциясидан кейин ер олди ва ўзи мустақил деҳқончилик қила бошлади. У, Узун районига келиб Ворошилов номли колхозга а'зо бўлиб кирди.

Немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган Улуғ Ватан уруши йилларида саноат корхоналарига янги кишилар талаб қилинди. Шунда колхоз ўртоқ Муҳаммадиевни Денов шаҳридаги пахта тозалаш заводига юборди. У, пресс ишини ўрганди, орадан кўп вақт ўтмасдан бош прессчи қилиб тайинланди. Заводда ҳалол ва қаҳрамонона меҳнати блан танилган ўртоқ Муҳаммадиев нормасини 300—350 процентдан бажаради. Завод ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари уни ҳурмат қиладилар.

Сафар Рўзиев 1900 йилда Шеробод районининг Оққўрғон қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Қашшоқ ота ёғиз ўғлини эркин тарбиялаш имкониятига эга бўлмаганлиги учун, 9-10 яшар Сафарни кишилар эшигига етимликка қўйди. Сафар Рўзиев ёшлик йилларини бойлар эшигида хори-зорлик блан ўтказди. У, совет ҳокимияти барпо этилгандан кейин золимлар қўлидан қутилиб, эркин меҳнат қила бошлади.

Ўртоқ Сафар Рўзиев Совет Армияси сафига бориб хизмат қилди. У, икки йиллик хизматдан кейин 1926 йилнинг охирида ўз қишлоғига қайтиб меҳнат қила бошлади, 1930 йилда қишлоқда ташкил этилган «Социализм» колхозига а'зо бўлиб кирди ва камбағал деҳқонларни колхозга уюштиришда актив иш олиб борди. Ўша вақтдаёқ у, иste'додли ва ғайратли бўлгани учун кишилар ўртасида зўр э'тибор қозонди.

Ўртоқ Сафар Рўзиев қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда механизациянинг гоят катта роль ўйнаганини тушинди. 1939 йилда трактор-чи бўлишга қизиқди. Трактор-чилар тайёрлаш курсида ўқиб, трактор ҳайдай бошлади. У, икки-уч йил ичида илғор трактор-чи бўлиб етишди. 1945 йилда 400 ўрнига 887 гектар, 1946 йилнинг 11 ойи ичида 1.200 гектар ерни трактор блан ишлаб, республикада донг чиқарди.

64 яшар Узоқбой Жўраев пахта юқори ҳосили етиштиришда республикада рекорд қўйди. У, ҳар гектар пахта майдонидан 120 центнер ҳосил олиб, пахта устаси сифатида донг чиқарди. Узоқбой ака Бешариқ районида туғилган бўлса ҳам, уни шўрчили пахтакор деб юритадилар. Бу бечиз эмас. Узоқбой Жўраев ҳақиқий ҳаётга Шўрчида, колхоз туфайли, Ленин-Сталин партиясининг раҳбарлиги остида эришди. У, Фарғона пахтакорларининг тажрибасини ўрганган учун 1930 йилда Шўрчи районига келиб, «Ёш ғайрат» колхозига кирди. 1932 йилда колхозчилар уни звено бошлиғи қилиб сайладилар. Узоқбой Жўраев пахтачилик соҳасидаги барча тажрибаларини ишга солиб, колхозда пахта юқори ҳосили учун курашда актив қатнашди. Илғор агротехника асосларини мукаммал билиш учун қизиқди ва ўз билимини барча колхозчиларга тушинтириб берди.

Совет ҳукумати Узоқбой аканинг пахтачиликни ривожлантиришдаги хизматларини тақдирлаб, Ленин ордени блан мукофотлади.

Сурхондар'ё областининг ана шу донгдор кишилари республикамиз Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди ва рўйхатга олинди.

М. ЭЛМУРОДОВ.

ИСТЕ'ДОДЛИ ТАШКИЛОТЧИ

Намангандан Уйчига кетаберишдаги катта йўлда кафтдек текис пахтазорлар, сердарахт боғлар, кўркам биноларни кўрасиз. Бу — Дегрезлик жамоасидаги Сталин номли колхознинг ерлари.

Сталин номли колхознинг донги Наманган районидан анча узоқларгача кетган. Колхозни бутун область, ҳатто, Узбекистон танийди.

Дегрезликларнинг сўнгги уч йил ичидаги фаолиятини кўрсаталиган бирнеча рақам бу да'вони тўла исбот эта олади. Колхоз 1944 ва 1945 йилларда давлатга гектаридан 40 центнердан пахта топширди. Шу йилларда давлатга бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулоти топшириш соҳасидаги мажбуриятлари тўла ado этилди.

Ўтган йили Сталин номли колхоз а'золари яна бир ғалаба қозондилар. 150 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 29 центнер ўрнига, 41 центнердан ҳосил етиштирилди ва давлатга 63 тонна ғалла топширилди.

Колхозчилар мўл ҳосил эвазига ўзлари учун электростанция, данғиллама уйлар қуриб олганлар. Ҳарбир колхозчининг уйида Ильич чироқлари порлайди. Уларнинг уйларида радио карнайлари ҳам бор.

Бу муваффақиятларни қўлга киритиш учун колхоз раиси Ўртоқ Нуриддин Убайдуллаевнинг кўп хизматлари сингган.

☆ ☆ ☆

Нуриддин Убайдуллаев — Ленин комсомоли тарбиялаб вояга етказган ва Улуғ Ватан уруши йилларида раҳбарлик ишига кўтарилган иste'додли ёш ташкилотчилардан биридир. У, 1909 йилда Наманган шаҳрида камбағал-деҳқон оиласида туғилди. Нуриддин 13 ёшга кирганида отаси уни қулфсоз устага шогирд қилиб берди. Аммо, бу касб унга кўпда ёқмади. У янги ҳунар излади ва мискарга шогирд бўлиб кирди. Мискарда уч йил ишлаб, моҳир уста бўлиб етишди. Шу пайтда у комсомол safига кирди ва дарҳол жамоат ишларига берилиб кетди.

Усиприн Нуриддин район комсомол комитетининг топшириғи блан ёшлар ва ёш деҳқонлар ўртасида катта иш олиб борди, шаҳар атрофидаги деҳқонларга коллектив хўжаликнинг устунликларини тушинтириб берди.

1930 йилда Наманган яқинидаги Дегрезлик жамоасида Сталин номли колхоз ташкил қилинди. Нуриддин ўз отаси блан бирга шу колхозга а'зо бўлиб кирди.

Сталин номли колхоз а'золарининг умумий йиғилиши 1942 йилнинг бошида Ўртоқ Нуриддин Убайдуллаевни правления раиси қилиб сайладилар. Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда катта тажриба ортдирган, сергайрат ва мустаҳкам иродали бу иste'додли ташкилотчи уруш вақтининг қийин шароитларида колхозчиларни хўжалик соҳасидаги муҳим вазифаларини бажаришга сафарбар эта олди ва Сталин номли колхозни Наманган областида пахтадан юқори ҳосил етиштиручи колхоз даражасига чиқаришга муваффақ бўлди. Ўртоқ Убайдуллаев раҳбарлигидаги колхоз илғорлар даражасига чиқиб миллионер бўлди.

Ўртоқ Нуриддин Убайдуллаев халқ ва Ватан олдидаги катта хизматлари учун олий мукофот — икки марта Ленин ордени блан тақдирланган.

УзССР Олий Советига сайлов ўтказиладиган Наманган область Дегрезлик сайлов округидаги Округ сайлов комиссияси Ўртоқ Нуриддин Убайдуллаевни УзССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

Ю. МАНСУР.

Сайловга тайёрликдаги камчиликлар тезда тугатилсин

Узбекистон ССР Олий Совети сайловига саноқли кунлар қолди. Лекин Самарқанд областининг районларида ташкилий, оммавий агитация ишларида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Самарқанд шаҳридаги сайлов участкалари ҳузурида 69 агитпункт ташкил этилган. Аммо, бу агитпунктлар омма ўртасида агитация ишини кучайтириб юбормаганлар. Биз, УзК(б)П Самарқанд шаҳар комитети пропаганда-агитация бўлимининг мудири Ўртоқ Сахокия мақтаб гапирган 215-нчи марказий сайлов участкасига қарашли 45-нчи мактаб ҳузуридаги агитпунктнинг иши блан танишдик. Дарҳақиқат, бу агитпункт дуруст безатилган. Бу ерда агитаторлар ҳам бор. Аммо, аҳоли ўртасида агитация-пропаганда ишлари яхши олиб борилмаётир, сайловчиларни ўз номзодларининг таржимаий ҳоли блан таништириш ҳам жуда кечикиб бошланган. Агитпункт раҳбари Грошова ва Ачитевцов ўртоқларнинг айтишича, 52 агитаторнинг ҳаммаси ҳам яхши ишлар эмиш. Ҳақиқатда эса кўп агитаторлар хонадонларда камдан-кам бўладилар. Ленин кўчасидаги 53-нчи ҳовлига беркитилган агитатор Ҳоди Асқаров сайловчилар блан бир марта суҳбат ўтказганича, қайтиб келмаган. Бу ҳовлидаги сайловчилар сайлов участкаси қайерда жойлашганлигини шу вақтгача билмайдилар. Агитатор Хазина Клянская кўчасидаги 6-нчи ҳовлида сайловчилар блан тўрт марта суҳбат ўтказган деб айтадилар. Ҳақиқатда эса Хазина бу ҳовлида ҳеч бўлмаган.

Биз агитпунктда бўлганимизда Почтовая кўчасидаги 15-нчи уйда яшовчи сайловчи Горячева ўз уйига ҳозиргача агитатор бормаганлигини айтди. Энгельс кўчасидаги 52-нчи уйда яшовчи Марштейн, 86-нчи уйда яшовчи Кузьменко ва бошқа ўнлаб сайловчилар ким учун овоз беришларидан сўнгги кунларгача хабарсиз қолганлар.

Кўп жойларда сайлов блан боғлиқ бўлган ишларни агитпунктларга топшириб қўйиш блан чекланганлар. Партия, совет ташкилотларининг раҳбар ходимлари сайлов участкаларига жуда кам келадилар. Темирйўл район партия комитетининг секретари Саидов, Сиёб район партия комитетининг секретари Воронков ва бошқа ўртоқлар сайловчилар ўртасида доклад қилмайдилар.

Сайловчилар рўйхатидаги камчиликлар кўп участкаларда ҳалигача тугатилган эмас. Боғишамол район ижроия комитетининг раиси Егоров сайловчилар рўйхатидаги камчиликларни битиришга э'тибор бермайди. 215-нчи округнинг 7-нчи участкасида рўйхатга кирмасдан қолган 200 га яқин сайловчи аниқланди. Броқ ҳозиргача булар расмийлаштирилмаган.

УзК(б)П Самарқанд шаҳар комитетининг бюроси январь ойининг охирида сайловчилар рўйхатидаги камчиликларни аниқлаб, бу камчиликларни битириш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Броқ шаҳар партия комитети ўзи чиқарган қарорининг ижроси учун курашмади.

Сайловгача яна 11 кун қолди. Ташкилий, оммавий-агитация ишларидаги камчиликларга хотима бериб, сайлов кунини муваффақият блан кутиб олайлик.

Ғ. АШУРОВ.

«Қизил Узбекистон»нинг Самарқанд область мухбири.

Кўргазмали агитацияга э'тибор бермаётирлар

Сайловга тайёргарликда кўргазмали агитация катта роль ўйнайди. Аммо, Қўқон темирйўл узелида бунга э'тибор бермаётирлар. Бу ерда агитпунктлар шиор ва плакатлар блан безатилган. Лекин корхона ва цехларнинг кўпида сайлов ҳақида, гражданларнинг ҳуқуқ ва вазифалари, сайлов қонуни тўғрисида кўргазмалар ташкил этилмаган.

Темирйўл ҳаракат бўлимининг биносида деспетчерларни Октябрь олди социалистик мусобақасига қўшилишга чақиручи плакат осиб қўйилган. Бу ерда яна ҳаракат бўлими коллективининг Октябрь олди мусобақасида ўз устига олган мажбуриятини кўрсатиб берадиган доска ҳам бор. Деспетчерлар коллективининг ҳурмат тахтасида ўтган ойдаги ишга доир рақамлар ёзиб қўйилган, бу ҳол бўлим партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Охотниковнинг турмушдан кейинда қолганини кўрсатади. У эскириб қолган плакат ва шиорларни сайловга доир шиорлар блан алмаштиришга э'тибор бермайди.

Худди шундай аҳволни паровоз депосида (партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Михеев) ҳам учратиш мумкин. Депонинг цехларига 2-3 йиллик схема ҳамда диаграммалар осиб қўйилган. Темирйўл партия ташкилоти бу диаграммаларни қайта тузиш, темирйўлдаги ажойиб ишларни кўрсатиб берадиган кўргазмалар ташкил этишга аҳамият бермаётир.

А. МУҲАММАДИЙ.

Бешйилликнинг илмий ишлар соҳасидаги биринчи йили якунлари

СССР Фанлар академиясида бир йиллик иш якунларига бағишланган йиғилиш

1 февральда Москвада СССР Фанлар академиясининг ҳар йили ўтказиладиган йиғилиши бўлди. Йиғилиш бешйилликнинг илмий ишлар соҳасидаги биринчи йил планини бажариш якунларига бағишланган эди. Президиумда Олимлар уйининг катта залида академиклар, академиянинг корреспондент-а'золари, илмий-текшириш институтлари ва лабораториялар раҳбарлари, жуда кўп меҳмонлар тўпланди. Президиум столи ёнида академиклардан С. И. Вавилов, Л. А. Орбели, А. Ф. Иоффе, А. Я. Вишинскийлар ўтирибди.

Йиғилишни Фанлар академиясининг президенти С. И. Вавилов очди. Академик С. Вавилов шу куни совет олимлари академиясининг 222 йиллигини нишонлаётганлигини эслатиб ўтди. У, академиянинг ўтган йилда қилган ишларини та'рифлаб, ўтган йилнинг бошида Ўртоқ И. В. Сталин совет фани олимларига шарафли вазифа топширганлигини, Ўртоқ Сталин совет олимлари тегишли ёрдам бериб турилганида яқин фурсатда фаннинг ҳамма соҳаларида чет эл олимларини қувиб етишгина эмас, балки улардан ўзиб ҳам кетадилар, деб ишонганлигини айтди.

Совет олимлари билимнинг турли соҳаларида талайгина муваффақиятларга эришдилар. Совет фанини ривожлантириш учун ҳукумат томонидан қулай шароит яратиб берилиши бунга анча ёрдам берди. Институтларни жиҳозлаш учун сарфланилган маблағлар деярлик уч баравар кўпайтирилди, янги илмий муассасалар қурилиши муваффақият блан ривожлантирилди.

Академик Вавилов шу блан бирга урушдан кейинги бешйилликда совет фани олдига қўйилган мураккаб вазифаларни ҳал қилиш учун модлий-техника базаси блан бир қаторда юқори малакали илмий ходимлар ҳам кераклигини эслатиб ўтди.

— Совет мамлакатида,— деди президент,— етарли даражада тажрибали ўқитучилар ва иste'додли ёшлар бор. Ана шу ёшларни ўргатиш ва илмий ишларга жалб қилиш керак! Фан соҳасида ишлаш учун келаётган ёшлар ўртасидаги ишларни кучайтириб, совет олий мактабларида илм олаётган иste'додли ва қобилиятли ёшлардан янги илмий кадрлар етиштириш зарур.

Бевосита илмий ишлар блан бирга, ёшларни тарбиялаш — барча академиклар ва корреспондент-а'золарининг шарафли вазифасидир. Академик Вавилов ўз сўзини тамомлаб, олимларни илмий-текшириш ишлари соҳасидаги бешйиллик планини бажариш, Ўртоқ И. В. Сталин томонидан совет фани олдига қўйилган олижаноб ва мас'улиятли вазифани ado этиш учун бутун куч-қувватларини сарфлашга чақирди.

Академик Н. Г. Бруевичга сўз берилди. У, СССР Фанлар академиясининг 1946 йилда қилган асосий илмий ишлари ҳақида доклад қилади.

Совет халқи тинч ижодий меҳнатга ўтган биринчи йилда совет фани ҳам янги муваффақиятларга эришди. Ўртоқ И. В. Сталин топширган шарафли вазифалан илҳом олган совет олимлари бешйиллик пландаги ғоят муҳим масалаларни ҳал қилиш устида муваффақиятли ишладилар.

Ўтган йили Фанлар академияси ўз бўлимлари ва базаларида илмий-текшириш ишларини давом этдирди, Иттифоқчи республикаларда янги фан ўчоқлари барпо қилди. Академиянинг Қозоғистон филиали 1932 йилда ташкил қилинган эди. Бу филиал 1946 йил июнь ойида Қозоғистон ССР Фанлар академиясига айлантирилди. Карель-Фин ССР, Молдавия ССР ва Доғистон АССРда янги илмий базалар тузилди. Сахалинда илмий база ташкил қилинмоқда.

Сўнгра, академик Бруевич СССР Фанлар академияси қарамоғидаги институтларнинг илмий ишларига доир асосий якунларни баён қилади. Академик Бруевичнинг айтишича, 1946 йилда академиянинг илмий-текшириш ишлари планида 300 га яқин илмий масала бор эди. Докладчи, физика-математика, химия, геология-география, техника ва бошқа фан бўлимларининг институтлари томонидан эришилган энг муҳим ютуқлар тўғрисида батафсил тўхталади. Докладнинг бу қисмида келтирилган яқ-қол мисоллар совет олимларининг илмий ишлар соҳасидаги бешйилликнинг биринчи йили планини амалга ошириш устида муваффақиятли ва самарали ишлаганликларини, техникани тараққий эттиришда саноатга яхши ёрдам берганликларини, фанимизни жуда муҳим янги кашфиётлар блан бойитганликларини кўрсатади.

Академик Бруевичнинг айтишича, ўтган йили Фанлар академиясининг президиуми саноат ва халқ хўжалигида амалда қўллаш учун ҳукуматга 28 та илмий асар тақдим қилган.

Докладчи илмий китоблар нашр қилиш анча кучайганлигини эслатиб ўтади. 1946 йилда Фанлар академиясининг нашриёти 302 хил китоб чиқарган, 44 номда журнал нашр этилган. Нашриёт 8 минг печатний листдан ортиқ маҳсулот чиқарган. Бу 1945 йилдагига нисбатан бир ярим марта кўпдир.

Сўнгра академик В. П. Никитин сўзга чиқди.

Йиғилишнинг охирида ниҳоятда муҳим илмий асарлари учун СССР Фанлар академиясининг мукофотини олишга сазовор бўлган бир гуруҳ олимларга фахрий дипломлар топширилди (ТАСС).

Овоз бериш тартиби

Сайлов кампаниясининг энг мас'улиятли даври—иттифоқчи ва автоном республикаларнинг Олий Советларига сайлов куни яқинлашмоқда. Тўққиз февральда РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Озарбайжон ССР, Грузия ССР, Арманистон ССР, Литва ССРда, 14 февральда Тожикистон ССРда ва 16 февральда Туркманистон ССР, Узбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Киргизистон ССР, Карель-Фин ССР, Молдавия ССР, Латвия ССР ва Эстония ССРда сайлов бўлади.

Автоном республикалар тупроғида яшовчи гражданлар айни бир вақтда икки депутат, я'ни иттифоқчи республиканинг Олий Советига бир депутат ва автоном республиканинг Олий Советига бир депутат сайлайдилар.

Партия ва совет ташкилотлари, сайлов комиссиялари сайлов кунига жуда пухта тайёрланишлари, ҳарбир масалани пухта ўйлаб кўришлари, сайловни тўғри ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришлари керак. Сайловчилар рўйхатини қайта-қайта ва диққат блан текшириш зарур. Сайлов участкаси территориясига келган ва бу ердан кетиб қолган кишиларни тўғри ҳисобга олиб туришга жиддий э'тибор бериш керак. Ма'лумки, сайловчилар рўйхати тузилганидан кейин сайлов кунигача ўз истиқомат жойини ўзгартган кишиларга тегишли меҳнаткашлар депутатлари Советининг ижроия комитети «Овоз бериш гувоҳномаси» беради ва сайлов рўйхатига «кетди» деб ёзиб қўяди. Доимий ёки вақтинча туриш учун келган жойда эса, бу сайловчи «Овоз бериш гувоҳномаси» ва шахсий гувоҳномасини кўрсатганидан кейин рўйхатга киритилади.

Сайлов кунигача янги истиқомат жойига келган ва қўлида «Овоз бериш гувоҳномаси» бўлган кишилар меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари томонидан сайловчилар рўйхатига ёзилади. Бу ҳолда, «Овоз бериш гувоҳномаси» меҳнаткашлар депутатлари Советининг ижроия комитетига топширилади. Сайлов кунида сайлов участкасига келган ва қўлида «Овоз бериш гувоҳномаси» бўлган кишилар эса, участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчилар рўйхатига киритилади, «Овоз бериш гувоҳномаси» эса, сайловчилар рўйхатига илова қилинади.

Сайловчилар рўйхати тузилганидан кейин «Овоз бериш гувоҳномаси» олмасдан янги истиқомат жойига келган сайловчилар меҳнаткашлар депутатлари Совети тегишли ижроия комитетининг қарори блангина сайловчилар рўйхатига ёзилиши мумкин.

Овоз бериш техникаси ва тартиби катта аҳамиятга эгадир. Овоз бериш учун алоҳида хоналари бўлган махсус биноларр ажратилиши, бу хоналарда ёзув столлари ва бирхил рангдаги қаламлар қўйилиши керак. Бу ерда ҳамма нарса сайловчига ўз гражданлик бурчини бемалол ўташи учун хизмат қилмоғи лозим. Овоз берадиган биноларда намунали тартиб ўрнатилиши керак. Участка сайлов комиссияси ҳозирданоқ ҳамма зарур тайёргарлик чораларини кўриши лозим, токи сайлов кунида сайловчиларнинг вақти бекорга ўтмасин, овоз бериш ҳуқуқидан тўғри фойдалана олсин, ҳечбир киши ўзига берилган сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлмасин.

Ходимларни жой-жойига қўйиш катта аҳамиятга эга. Ўтган сайлов кампанияларининг тажрибаси сайлов кунида сайлов комиссиялари а'золари ўртасида вазифаларни тўғри тақсимлаш заруриятини кўрсатади. Ҳарбир а'зога аниқ вазифа юклатилиши: комиссиянинг бир а'зоси сайловчилар рўйхатига белги қўйиб туриши, иккинчи а'зоси сайлов бюллетеньлари бериши, учинчи а'зоси бинода тартиб сақлаши, тўртинчи а'зоси сайловчиларга зарур изоҳотлар бериши керак, ваҳоказо. Овоз берадиган хоналар ва сайлов қутилари олдида навбатчилар туриши, сайловчилар блан алоқа қилиб туриш, айниқса сайлов кунида бошқаларнинг ёрдамисиз сайлов участкасига келолмайдиган сайловчилар блан алоқа қилиш учун махсус кишилар ажратилиши керак.

Сайлов куни ва овоз берадиган жой ҳақида сайловчиларни кенг хабардор қилиш—сайлов комиссияларининг энг муҳим вазифасидир. Қонунга мувофиқ участка комиссиялари сайлов олдидан 20 кунгача сайловчиларни сайлов куни ва овоз берадиган жой ҳақида турли воситалар блан ҳар куни хабардор қилиб туришлари керак. Шу мақсад блан радио, матбуот ва шиорлардан кенг фойдаланиш, сайловчиларнинг уйларига ёзма билдиришлар юбориш, сайлов куни ва овоз бериш жойи ҳақида сайловчиларни уймаўй юриб хабардор қилиш зарур.

Шуни эсда тутиш керакки, участка территориясига ҳархил хизмат блан ёки отпуска олиб янги сайловчилар келиши, улар сайлов куни ва овоз берадиган жой ҳақида бехабар бўлиши мумкин. Бу —16 февральда ўтказиладиган иттифоқчи республикадан 9 февральда сайлов ўтказиладиган республикага келган кишилар учун айниқса муҳимдир. Бундай сайловчилар овоз беролмай қолишлари мумкин. Шу сабабли, сайлов кунигача сайловчиларни ҳар куни хабардор қилиб туриш, бунинг учун хилма-хил воситалардан фойдаланиш керак.

Сайловга 3—5 кун қолганда участка сайлов комиссияларининг раислари район советларининг ижроия комитетларидан ёки округ сайлов комиссияларидан сайлов бюллетеньларини олишлари, сайлов куни арафасида эса, меҳнаткашлар депутатлари Советининг ижроия комитетидан ёки тегишли ҳарбий қисмнинг командиридан белгиланган шаклда ёзилган сайловчиларнинг овоз берганлиги ҳақида шу рўйхатга белги қўйиб борилади). Овоз беришга киришишдан иллари сайлов бюллетеньларини, сайлов қутилари ва бошқа нарсаларни кўздан кечириш зарур.

Сайлов куни эрталаб соат 6 да, участка сайлов комиссиясининг раиси комиссия а'золарининг ҳузурида сайлов қутиларини ва сайловчилар рўйхатини кўздан кечириб чиқали, қутиларни ёпади ва печатлайди. сўнгра сайловчиларни овоз беришга такиф этали.

Секретарь ёки участка сайлов комиссиясининг вакил қилинган а'зоси овоз бериш учун келган кишиларнинг гувоҳномаларини кўриб, рўйхатдаги номларини текширади, овоз бериш учун келганлигига ҳақида 7-нчи графага белги қўяди ва сайловчига белгиланган шаклдаги бюллетеньни беради.

Автоном республикаларда овоз бериш учун келган ҳарбир сайловчига иккита сайлов бюллетени: я'ни иттифоқчи республика Олий Совети сайлови бўйича оқ рангли бюллетень ва автоном республика Олий Советига сайлов бўйича пушти рангли бюллетень берилади.

Сайлов бюллетеньларини тўлдириш учун ажратилган хонада бюллетеньларни тўлдирган вақтда бирон кишининг, шу жумладан сайлов комиссияси а'золарининг ҳам бўлиши тақиқланади.

Агар сайловчи саводсизлиги ёки майиблиги сабабли, сайлов бюллетенини тўлдиролмаса, у бюллетеньни тўлдириш учун хонага бошқа бирон сайловчини такиф этаолади.

Гражданлар овоз берилган бинога келиб, сайлов қутисига сайлов бюллетенини ташлаш йўли блан овоз берадилар. Лекин овоз бериш учун сайлов участкасига келолмаган сайловчининг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси унинг уйига сайлов бюллетенини қабул қилиш учун кичкина сайлов қутиси блан комиссия а'золаридан бирини юбориши мумкин.

Сайлов куни, маҳаллий вақт блан кечаси соат 12 да, участка сайлов комиссиясининг раиси овоз беришнинг тамом бўлганлигини э'лон қилади ва сайлов комиссияси овозларни санашга киришади.

А. ТИХОНОВ.

Тракторлар ремонтини тезлаштириш, кўкламга тайёрликни кучайтириш — пахтакорлар қурултойига энг муносиб совғадир

Қурултойга янги муваффақиятлар блан борамиз

Колхозимизнинг а'золари пахтачиликни юксалтириш Сталинча программасининг биринчи йили вазифаларини муваффақиятли бажариш учун йил бўйи халол меҳнат қилиб, яхши натижаларни қўлга киритдилар. 1946—қишлоқ хўжалик йилини самарали натижалар блан якунладик. 540 гектар пахта майдонимизнинг ҳар гектаридан 18 центнер ўрнига, 23 центнердан ҳосил етиштирдик. Ўтган йили 1945 йилга нисбатан ҳар гектаридан давлатга 5 центнердан ортиқ пахта топширдик. Колхозимизнинг умумий йиллик даромади 2 миллион сўм дан ошди. Пландан ташқари ортиқча пахта топширганимиз учун давлатдан 1 миллион сўмга яқин устама мукофот олдик.

Айрим бригада ва звеноларимиз пахтачилик агротехникасини пухта амалга ошириб, яна ҳам мўл ҳосил олишга эришдилар. Юқцентнерчи звено бошлиғи Султоной Юсупова 3 гектар ерининг ҳар гектаридан 78 центнердан пахта олди. Султоной ўз звеносида пахтадан мўл ҳосил етиштириш блан бирга ўтган йилги мавсумда бир ўзи 11.300 килограмм пахта терди ва йиллик меҳнат кунлари баталига 13.054 сўм пул, 1.300 килограмм галла ва 376 метр газлама олди. Шунингдек ўртоқ Раҳим Худойқулов бошлиқ звено гектаридан 45 центнер, Ражаб Рўзиев бошлиқ бригада 41 центнердан пахта топширдилар. Колхозимиздаги 22 бригада ва 111 звенонинг ҳаммаси пахта топшириш давлат планини ошириб бажарди.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириб, бу муваффақиятга эришишга колхозимизда меҳнатни тўғри уюштириш ва колхозчилар ўртасида мустаҳкам интизом ўрнатиш катта сабаб бўлди. Бизда прогулчиликка қарши қаттиқ кураш олиб борилади. Ҳарбир бригада ва звенода ишловчилар ўз мас'улиятларини яхши тушинадилар. Бригада ва звеноларнинг ерлари, ишчи кучлари доимий қилиб беркитилган. Колхоз правлениясы бригадаларга, бригалалар эса, ўз звеноларига кунлик топшириқ бериб туриши ва унинг бажарилиши устидан назорат қилиш тўғри йўлга қўйилган.

Колхозимиздаги 600 дан ортиқ колхозчининг ҳаммаси йиллик меҳнат минимумини тўла бажарди. Колхозчи Эргаш Имомов, Султуной Юсупова, Раҳим Худойқулов каби ўнлаб илғор колхозчилар йил давомида 550—600 га етказиб меҳнат куни ишладилар.

Пахтадан юқори ҳосил олиш туфайли колхозчиларимиз йилдан-йилга давлатни ва маданиятли турмушга эришмоқдалар. Бизда сигир-бузоқ, қўй-эчкиси бўлмаган битта ҳам колхозчи қолмади. Янги электр станциямиз колхозчиларнинг уйларини Ильич нури блан ёритмоқда.

Колхозчиларимиз пахтачилик туфайли эришган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун бу йил пахтадан тагин ҳам кўпроқ ҳосил етиштиришга бел боғладилар. Бу йил пахта майдонимиз 560 гектарга етказилиб, ҳар гектаридан камида 25 центнер ҳосил олиш учун ҳозирланоқ дала ишларини қизитиб юбордик. Республика пахтакорларининг тўртинчи қурултойига вакил бўлиб сайланган звено бошлиғи Султоной Юсупова 1947 йилда гектаридан 100 центнер пахта бериш учун курашмоқда. Унинг звеноси пахта ерларининг ҳаммасини кузда трактор блан шудгор қилди, ариқ-зовурларни қазиб тамомлади. Звено а'золари пахта майдонига ўтган йилдагидан икки баравар кўп гўнг чиқарди.

Колхозимиз ҳозир даладаги катта-кичик ҳамма ариқларни қазиб бўлди. Далага 4.500 арава маҳаллий ўғит чиқариб тўклик. Давлатдан берилган минерал ўғитнинг ҳаммаси ташиб олинди. Шу кунларда 45 арава ва бир автомашина далага маҳаллий ўғит чиқаришда ишламоқда. Қишлоқ хўжалик асбобларимизнинг ремонти қизғин боряётир. Машина асбоблари ремонт қилишда колхоз устахонаси катта ёрдам бермоқда. Кўклам ер ҳайдаш ишларини ўз вақтида бажариш учун 103 хўкиз, 33 отни боқиб семиртирмоқдамиз.

Колхозимизнинг а'золари 7 февральда республика пахтакорларининг IV қурултойи бўлишини эшитиб, ва унга ўз вакилларини сайлаш блан бирга, қурултой шарафига кўклам дала ишларини яна ҳам қизитиб юбориш мажбуриятини олдилар.

Абдураҳмон ПУЛАТОВ.

Самарқанд область, Хатирчи район Сталинобод қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг раиси, қурултой вакили.

ВИЛЬЯМС НОМЛИ КОЛХОЗДА ҲИСОБОТ ИИҒИЛИШИ

(«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан)

Қорасув район Қўйлиқ қишлоқ советидаги Вильямс номли колхознинг а'золари ўзларининг йиллик ҳисобот йиғилишларига тўпландилар. Улар бу йиғилишда колхоз правлениясининг 1946 йилги ҳисоботини эшитиб, йил давомида қилган ҳалол меҳнатларининг натижаларини якунладилар.

Йиғилишда колхоз раиси орденли ўртоқ Мавлон Қўшаев доклад қилди.

Докладчи 1946 қишлоқ хўжалик йилида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида факт ва рақамлар блан батафсил гапирди. У, колхоз хўжалигини кучайтиришдаги бой тажрибалар, юқори ҳосил усталари ва илғор кишиларнинг ишига тўхталди.

— Колхозчиларимиз, — дейди ўртоқ Қўшаев, — пахтачиликни юксалтириш 8 йиллик Сталинча программасининг биринчи йили топшириғини шараф блан бажардилар. 150 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31,25 центнер ўрнига, давлатга 37 ярим центнердан пахта топширилди. Пахта ҳосили урушдан аввалги даражага етди ва ошиб кетди. Биз ҳосилни гектарига 3 ярим центнердан оширдик. Пахта майдони 50 гектардан 200 гектарга кенгайди. Бунга колхозчиларимизнинг фидокорона меҳнати ва механизациядан унумли фойдаланиш туфайли эришдик.

Юқцентнерчи ўртоқ Асом Асқаров бригаласининг а'золари пахта учун чинакам курашдилар. астойдил меҳнат қилдилар. Шундай қилиб, бу бригада гектаридан 46,7 центнердан пахта топширди. Бригаланинг ўртоқ Ҳалима Муҳиддинова бошлиқ звеноси 51 ярим центнердан, Раҳбар Тўраева звеноси 47, Раҳмонберди Худойбердиев звеноси 42 ярим центнерга етказиб ҳосил олди.

Юқори ҳосил кўп даромад келтирди. Колхоз ўтган йил қишлоқ хўжалигидан 2 миллион 800 минг сўм даромад қилди. Ишлабчиқариш харажатлари 1945 йилдагги 36 процент ўрнига. 1946 йилда 24 процентга камайтирилди. Бу блан биз 378 минг сўм, ишни яхши уюштириб 74 минг меҳнат куни кам сарфланди

Ободончилик ишларимиз ҳам тобора ўсиб, қишлоғимиз йилдан-йил обод бўлмоқда. Ўтган йил гидроэлектрстанция қурилиб ишга туширилди. Колхознинг жамоат хўжалик биноларидан ташқари 45 хўжаликнинг уйида Ильич лампочкалари нур сочмоқда. Колхозда автомат телефон қурилди. Бригадалар телефонлаштирилди. Радио узелнинг ишга солиниши орқасида 45 хўжалик уйига радио карнайлари қурилди.

Колхозчиларимиз мўл ҳосил етиштириб, кўп даромад олмоқдалар. Ҳарбир меҳнат кунига 7 сўм 10 тийиндан пул, 1 килограмм 250 граммдан галла, 1 килограммдан сабзавот маҳсулоти тақсимланди.

Муҳиддин Асқархўжаев оиласида 4 киши ишлайди. Улар меҳнат кунларига 4.127 килограмм галла, 371 метр газлама, 57 килограммдан ортиқ ёғ, 16 ярим килограмм чой, 33 килограмм совин, 83 килограмм линтер пахта олдилар. Стахановчи кетманчи Патти Солихўжаева йил давомида 637 меҳнат куни ишлади. Унинг асосий меҳнат кунларига 637 килограмм галла берилди. У, а'зо бўлган звено гектаридан 43 центнердан пахта топшириб, ҳосилни оширгани учун колхозлан 530 килограмм қўшимча галла олди Партия ва ҳукуматнинг қарорига мувофиқ, унга 2.050 сўм устама мукофот берилди.

Қишлоқ хўжалик артели уставининг тўла амалга оширилиши натижасида колхозимиз кучайиб. ташкилий-хўжалик жиҳатидан янада мустаҳкамланди. ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1946 йил 19 сентябрь қарори ишимизга айниқса катта ёрдам берди. Бу қарор эълон қилинганидан кейин колхоз жамоат ерларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиб келган ташкилот ва колхозчилардан ортиқча томорқа ерлар қайтариб олинди, ҳосили колхоз фойдасига берилди Турли ташкилотлар ва ташкилотлардан 100 минг сўм колхоз пули ундириб олинди

Ҳамма нарсанинг тежаб сарфланиши колхозимизнинг бойлигини ортдирди. Колхоз омборида колхозчиларнинг меҳнат кунларига тақсимлаш учун 94 тонна галла, 12 минг метр газлама, бир тонна ёғ, совин ва бошқа нарсаларимиз бор

Ютуқларимиз мана шулардан иборат. Шу блан бирга, колхозимизда жиддий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Биз кўпроқ пахтачиликка берилиб кетиб, хўжалигимизнинг бошқа тармоқларини ўстириш блан кам шуғулландик. Чорвачилик плани тўла бажарилмади, чорвачилик маҳсулотлари ҳам планда мўлжалланганидан анча кам олинди.

1947 йилнинг вазифалари ҳарқачонгидан ҳам оғирроқ. Биз Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш 8 йиллик программасининг иккинчи йил вазифасини бажаришга киришаётирмиз. Колхоз 250 гектар ерга чигит экиб, ҳосилни 45 центнерга етказиши керак. 180 гектар пахта ери кузда шудгор қилинди. Ва'дамизнинг устидан чиқиш учун пахтадан мўл ҳосил олиш ишига ҳамма имкониятларимизни сафарбар қилмоқдамиз. 90 тонна минерал ўғит олинди, 300 тонна гўнг чиқардик, ариқ-зовурлар қазилди. Қишлоқ хўжалик асбоблари ремонтдан чиқарилди. 50 от, 25 хўкиз боқувга қўйилди. Бригада-звеноларнинг ерлари ажратиб, қишлоқ хўжалик асбоблари тақсимлаб берилди.

Йиғилишда тафтиш комиссиясининг раиси ўртоқ Жалилов сўзлади.

— Колхоз правлениясы ўтган йили ёмон ишламади,—дейди у,—шуни айтиш керакки, пахтачиликни ривожлантириш ва ҳосилни ошириш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритдик. Аммо, ҳали колхоз правлениясы кўп ишларни бажаргани йўқ. Колхоз ишлабчиқаришида актив қатнашмайдиган. норғил йигитларимиз бор. Улар пахтачилик ва қишлоқ хўжалигимизнинг бошқа соҳаларини тараққий эттириш учун ўз кучларини аямай, яқиндан ёрдам беришлари керак.

Юқори ҳосилли бригада бошлиғи ўртоқ Асом Асқаров ўз бригадасининг ишлари тўғрисида. мўл ҳосил етиштиришдаги тажрибаларини муфассал гапириб, бундай деди:

— Бригада а'золари ўтган йилги ишимизни муҳокама қилдилар. Биз олган мажбуриятимизни бажара олмадик. Бу йил давлатга 55 центнердан пахта бериш мажбуриятини олдик ва Муса Дўсматов бригаласини социалистик мусобақага чақирдик. Минбарга бригада бошлиғи ўртоқ Дўсматов чиқади. У, Асқаров чақиригини қабул қилади ва 60 центнердан пахта етиштиришга ва'да беради.

— Биз, — дейди сўзга чиққан звено бошлиғи Раҳбар Тўраева, — ўтган йили ҳамжиҳатлик блан астойдил ишлалик. Меҳнатимиз зойи кетмади. Гектаридан 47 центнердан пахта бериб, ва'дамизни шараф блан бажардик. Бу йил илғор Ҳалима Муҳиддинова звеноси блан мусобақалашамиз. Мўлжалимиз 50 центнер. Биз бунинг уддасидан чиқамиз.

Колхознинг ҳисобот йиғилиши танқид ва ўз-ўзни танқид асосида ўтди. Сўзга чиққан колхозчилар ўзларининг жонажон колхозларини янада кучайтириш, мамлакатга кўпроқ пахта, галла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулоти етказиш учун астойдил меҳнат қилажакларини айтдилар.

Колхозчиларнинг йиғилиши колхознинг янги правлениясини сайлашга ўтади. Йиғилиш қатнашчилари правления ҳай'атига номзоди кўрсатилган кишиларни бирма-бир текшириб, колхоз правлениясига 11 кишини сайлади. Колхоз раислигига яна ўртоқ Мавлон Қўшаев сайланди.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Илғор МТСга кўчма қизил байроқ топширилди

Китоб районидаги МТС ўтган йил трактор ишлари планини 115 процент бажариб, тракторларнинг қишки ремонтини барвақт бошлаб юборган эди. МТС коллективи (директори Ўртоқ Мамедов) ремонтга пухта ҳозирлик блан киришиб, 1946 йил тўртинчи квартал планини ошириб ado этди, 34 ўрнига, 36 трактор ремонт қилинди.

Тракторчилар республика кенгашининг мурожаати муҳокама қилингандан кейин МТСда иш тагин ҳам кучайтириб юборилди. Графикка мувофиқ январь ойида 28 трактор ремонтдан чиқарилиши лозим эди. МТСнинг илғор бригада механиклари, тракторчилари ва ремонт ишчилари ўз тракторларини графикда кўрсатилган муддатда сифатли қилиб ремонтдан чиқариш учун ўзаро социалистик мусобақани қизитиб, 28 январьдаёқ ойлик планни ошириб адо этди, 34 ўрнига, 36 трактор ремонт қилинди.

Тракторчилар республика кенгашининг мурожаати муҳокама қилингандан кейин МТСда иш тагин ҳам кучайтириб юборилди. Графикка мувофиқ январь ойида 28 трактор ремонтдан чиқарилиши лозим эди. МТСнинг илғор бригада механиклари, тракторчилари ва ремонт ишчилари ўз тракторларини графикда кўрсатилган муддатда сифатли қилиб ремонтдан чиқариш учун ўзаро социалистик мусобақани қизитиб, 28 январьдаёқ ойлик планни ошириб адо этди, 34 ўрнига, 36 трактор ремонт қилинди.

Тракторчилар республика кенгашининг мурожаати муҳокама қилинганид

ПРАГА ГАЗЕТАЛАРИ СТАЛИНГРАД ЁНИДА ЭРИШИЛГАН БУЮҚ ҒАЛАБАНИНГ ТУРТ ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАЁТИРЛАР

ПРАГА, 2 февраль (ТАСС). Газеталар Сталинград ёнидаги тарихий жангларнинг тугалланганига тўрт йил тўлишини фашизм қора кучлари устидан демократиянинг ғалабаси деб та'рифлаб, кенг суратда нишонлаётирлар. Чехословакия армияси бош штабининг бошлиғи армия генерали Бочек «Обрана лиду» газетасида босилган мақоласида, Сталининг стратегик маҳоратига юксак баҳо беради. Сталининг стратегик соҳасидаги маҳорати Сталинград ёнидаги жангларда жуда ёрқин акс этди.

«Руде право», «Праце» газеталари ва бошқа газеталар Сталинград ёнида совет қўшинлари қозонган ғалаба, Чехословакия халқлари учун ғалаба куни яқинлигидан дарак берар эди, деб та'кидламоқдалар. «Право лиду» газетасининг ёзишича Сталинград ёнида ғалаба қозонилмаганида эди, озод Чехословакия республикаси ҳам бўлмас эди. Биз ўзимизни озод қилганлиги учун қаҳрамон Совет Армиясидан чуқур миннатдормиз. Совет Армияси ўзининг қаҳрамонона юришини Сталинградан бошлаб, бу юришни Прагага келиб тугаллади. Совет Армияси умрбод озодлик келтируччи, қаҳрамон ва енгилмас армия бўлиб қолади.

СТАЛИНГРАД ЁНИДАГИ БУЮҚ ҒАЛАБАНИНГ ТУРТ ЙИЛЛИГИ ТУҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, 3 февраль (ТАСС). «Трибуна популар» газетаси совет қўшинларининг Сталинград ёнида эришган тарихий ғалабасининг 4 йиллигига бағишлаб редакция номидан мақола босиб чиқарди. Газета ёзади: «Фашизмни узилкесил тор-мор келтиришга асос қўйган бу улуғ ғалабанинг самараси бутун инсониятга ма'лум. Бу ғалаба натижасида Европа, Америка ва Осиё мамлакатларида демократия барпо қилинди, фашизм ҳарбий жиҳатдангина эмас, балки ма'навий-сиёсий жиҳатдан ҳам енгилди. Ҳарбир мамлакатда демократия мустаҳкамланган сари фашизм қолдиқлари тугатилмоқда. Қизил Армиянинг ғалабасини баланд руҳ блан табриклаган Бразилия халқи Сталинградни унутгани йўқ».

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ ГРЕЦИЯДАГИ КОМИССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

АФИНА, 31 январь (ТАСС). Хавфсизлик Кенгашининг Греция чегараларидаги вазиятни текшириш юзасидан тузилган комиссиясининг икки мажлиси бўлди. Биринчи мажлисда комиссиянинг бош секретари полковник Рошер-Лунд Югославиянинг Афинадаги миссияси томонидан тақдим қилинган нотани ўқиб берди. Бу нотада Греция ма'мурларининг Грециягa кириш учун Югославия вакилларига рухсат беришни кечиктирганликларига норозилик билдирилади. Бунинг натижасида, Югославия вакиллари комиссиянинг биринчи мажлиси бошланганига қадар Афинага етиб кела олмаганлар. Совет делегациясининг раҳбари Лавришчевнинг таклифига мувофиқ, комиссия Югославия, Албания ва Булгария вакиллари келганига қадар, ишни муҳокама қилишга киришмаслик тўғрисида яқдиллик блан қарор қабул қилди.

Комиссиянинг бугунги мажлисида Булгария, Югославия ва Греция вакилларининг ахборотлари тингланди. Булгария вакили Кулишев комиссияни ишонтириб, Булгария ҳукумати комиссиянинг ишини енгиллаштириш учун ҳамма чорани кўради, деди ва тўрттала манфаатлор мамлакат вакиллари комиссия мажлисларига кириб, унда фаол қатнашиш учун уларга имкон берилади деб умид билдирди.

Югославия вакили Греция территориясида юз берган барча фактларни тўла равишда ва батафсил текшириш зарурлигини уқдириб ўтди. Бу фактлар бевосита ёки билвосита ҳозирги вазиятнинг юз беришига сабабчи бўлган. У, яна комиссия мажлислари очиқ ўтказилиб, бу мажлисларга матбуот вакиллари киргиси деган таклифни ёқлаб фикр баён қилди.

Комиссия, одатда ҳамма мажлислар очиқ ҳолда ўтказилади ва ба'зи масалаларгина ёпиқ ҳолда муҳокама қилинади, бундай мажлислар ҳар гал комиссиянинг махсус қарори блан чақирилади, деб қарор қилди.

ГРЕЦИЯДА ПАРТИЗАНЛАР ҲАРАКАТИ ТУҒРИСИДА ИНГЛИЗ МУХБИРЛАРИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ЛОНДОН, 2 февраль (ТАСС). «Ньюс кроникл» газетасининг мухбири Барбер ва «Дейли мейл» газетасининг мухбири Жон Фишер грек партизанлари лагерини бориб кўрдилар. Фишер ўзининг асосий таассуротини: «Инглиз солдатлари Грециядан кетсалар эди» деган сарлавҳа блан баён қилди. Ҳар икки мухбир партизанлар армиясида ЭЛАС а'золаридан ташқари, либераллар ҳам бор деб ёзади. Партизанлар ҳаракатининг биринчи вазифаси инглизлардан қутилиш, барча сиёсий маҳбусларга афв умумий бериш, барча партияларнинг вакилларидан иборат ҳукумат тузиш, сайлов рўйхатларини қайтадан кўриб чиқиш, эркин сайловлар ўтказиш, демократларга қарши террор мақсадида бўлаётган урушни тўхтатиш, коллаборационистлар ва фашистларни ишдан ҳайдаш, грекларнинг Кипр тўғрисидаги миллий талабларини қондиришдан иборатдир. Партизанлар Хавфсизлик Кенгаши комиссиясининг ишини табриклайдилар. Мухбирларга бир ҳат кўрсатилди, бу ҳатда Хавфсизлик Кенгашининг комиссияси «граждан урушининг ҳақиқий сабабларини аниқ билиш учун» вакиллар юборишга да'ват қилинади.

Ҳар икки мухбир грек партизанлари ажнабийларнинг ёрдамисиз ўсиб бораётган ўз ҳаракатларини комиссияга кўрсата олдилар ва исбот қилдилар, дейдилар.

ВЕНГРИЯДА РЕСПУБЛИКА Э'ЛОН ҚИЛИНГАНИГА БИР ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БЛАН БАЙРАМ

БУДАПЕШТ, 2 февраль (ТАСС). Кеча венгер халқи республика э'лон қилинишига бир йил тўлганлигини нишонлаб ўтди. Республиканинг бир йиллиги муносабати блан мамлакатнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида миллий байроқлар осиб қўйилди.

Будапештда тантанали мажлис бўлди. Сўзга чиққан бош министр Надь Ференц бундан бир йил муқаддам мамлакатни республика деб э'лон қилиш тўғрисида Миллат мажлиси томонидан қабул қилинган қарорнинг тарихий аҳамиятини уқдириб ўтди. Миллат мажлиси бу қонунни блан, деди бош министр, бутун венгер халқининг иродасини изҳор қилди. Шу сабабли, фитначиларнинг республикани йиқитиш йўлидаги уринишни халқни ниҳоятда ғазаблантирди. Биз бундай уринишларга қат'ийян барҳам беришимиз, ҳамма фитначиларни жазолашимиз керак. Венгер халқи мамлакатни сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалтириш, республикани мустаҳкамлаш ишини давом этдиради.

Биз, деди Надь Ференц ҳамманинг қаттиқ қарсаклари остида, қўшиналримизга ва даставвал Совет Иттифоқига ҳамда кўпдан буён демократия йўлидан ривожланаётган қўшни мамлакатларга зўр ишонч блан қараймиз. Биз Совет Иттифоқининг ўстона ёрдами блан ластлабки муваффақиятларга эришдик.

Венгрия матбуоти ва радиоси республика э'лон қилинган кунга бир йил тўлганлигини кенг шарҳлаб ёзмоқдалар.

КПП БЛАН АФТни ҚУШИШ ҲАҚИДАГИ МУЗОКАРАЛАРГА ТАЙЁРЛИК

НЬЮ-ЙОРК, 2 февраль (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабар беришича, Ишлаб чиқариш касаба союзлари конгресси (КПП)нинг раҳбарлари Америка меҳнат уюшмаси (АФТ) ижроия комитетининг ана шу иккала касаба союз ташкилотини бирлаштириш тўғрисидаги таклифини шарҳлашга унамаганлар. Улар бу таклиф КПП ижроия комитетининг 18 февральда бўлаётган мажлисида муҳокама қилинади, деганлар.

АМЕРИКА ҚУШМА ШТАТЛАРИНИНГ ЯҚИН ШАРҚДА ОЛИБ БОРАДИГАН СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА МИСР ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ҚОҲИРА, 31 январь (ТАСС). «Ал-Мусаввар» газетасининг билдиришига қараганда, Америка Қўшма Штатлари Хавфсизлик кенгашида инглиз қўшинларини Мисрдан олиб чиқиб кетиш ва 1936 йилги шартномани бекор қилиш масаласи кўрилган чоқда Мисрнинг таклифини қувватлаш ниятидадир. Америка Қўшма Штатлари Судон масаласида «ўртача йўл» таклиф қилмоқчи, я'ни Миср блан Англия Судонни биргаликда ва тенг ҳуқуқ блан идора қилиши керак ва судонлиларнинг чин истакларини билиш мақсадида 5 йилдан кейин халқаро комиссия назорати остида масалани овозга қўйишлари керак.

АМЕРИКА ҚУШМА ШТАТЛАРИ ҲУКУМАТИНИНГ ЭРОНГА ҚАНДАЙ ШАРТЛАР БЛАН ҚАРЗ БЕРАЖАГИ ТУҒРИСИДА «АРАС» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ТЕҲРОН, 31 январь (ТАСС). «Арас» газетаси 30 январьда қуйидаги хабарни босиб чиқарди: овозаларга қараганда, Америка Қўшма Штатлари ҳукумати қуйидаги шартлар блангина Эронга қарз беришга рози бўлади: 1) Эрон ҳукумати Халқ партиясини ва бошқа сўл ташкилотларини батамом тугатиши керак; 2) янги мажлисдаги вакилларнинг кўпчилиги Америка Қўшма Штатларининг ишончига сазовор кишилардан иборат бўлиши лозим; 3) қарз пули Америка Қўшма Штатлари ҳукумати томонидан Эронга юборилган миссия блан маслаҳатлашиб сарфланиши керак.

ИНГЛИЗ ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ ЛИВАН ЧЕГАРАСИНИ БУЗИБ ЎТГАНЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДА «САУТАШШААБ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

БАЙРУТ, 1 февраль (ТАСС). «Саутаششааб» газетасининг билдиришига қараганда, инглизларнинг трансорданиялиларидан иборат ҳарбий қисмлари ҳозирги вақтда Ливан-Фаластин чегараси яқинида тактика машқлари ўтказмоқдалар. Улар ана шу машқлар вақтида чегарадан ўтиб, Ливан ерига кирмоқдалар.

Газета инглиз қисмларининг бу ҳаракатларидан ғазаблнмоқда ва инглиз қўшинлари Ливанни мустақил бир давлат деб эмас, балки Британия империясининг қандайдир бир қисми деб ҳисоблаб шундай ҳаракат қилмоқдалар, деб ёзади.

Газета ҳукуматдан Ливан чегараларининг бузилишига қарши қат'ий чоралар кўрилишини талаб қилади.

ГЕРМАНИЯНИНГ АМЕРИКА АСКАРЛАРИ ОККУПАЦИЯ ҚИЛГАН ДОИРАСИДА ЯНГИ ТЕСКАРИЧИ ПАРТИЯ

БЕРЛИН, 31 январь (ТАСС). АДН агентлиги билдирали: Германиянинг Америка аскарлари оккупация қилган доирасида янги партия пайдо бўлди. Бу партия ўзини «Германия национал-демократик партияси» деб атайди. Партия ўзига тарафдорлар тўпламоқчи бўлиб уринмоқда. Ўзини «социализмнинг энг катта душмани» деб атовчи бу тескаричи гуруҳга банк эгаси раҳбарлик қилмоқда. Америка ҳарбий ма'муриятининг буйруғига қараганда, агар бу партия 15 февральгача етарли миқдорда тарафдорлар тўпласа, у ўз ишини давом этдириш ҳуқуқига эга бўлади.

ЮГОСЛАВИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ВАТИКАН СЕКРЕТАРИАТИГА НОТАЛАРИ

БЕЛГРАД, 2 февраль (ТАСС). Бу ердаги газеталар кеча Югославия ҳукуматининг Ватикан секретариатига юборган икки нотасини э'лон қилдилар.

Биринчи нотада қуйидагилар айтилади: Италиянинг «Андреа грити» деган пароходида югославияли кўп кишилар ўтган йилнинг 29 декабрида Генуяда, 31 декабрьда Неапольдан Жанубий Америкага жўнаганлиги тўғрисида ҳабар олди. Ана шу югославлар Югославия давлат комиссияси томонидан ҳарбий жиноятчилар сифатида рўйҳатга олинган эди ва Италиядаги иттифоқчи ҳарбий ма'мурлар уларни Югославия ма'мурларига топшириш учун қидирмоқда эдилар.

Нотада айтилади: «Югославия ҳукуматига ма'лум бўлишича, муқаддас тахт комиссияси (я'ни Ватикан комиссияси. Редакция эскартиши) —«Комиссион ди ассистенца понтефича» («Ёрдам беручи папа комиссияси») ана шу ҳарбий жиноятчиларни кўпининг жўнаб кетишига ёрдам берган. Уларга рухсатномалар бериб, жўнаб кетишлари учун пул ҳам чиқарган. Ана шу ҳарбий жиноятчиларнинг комиссияга топширган ҳужжатлари соҳта ҳужжатлар бўлган ва бу ҳужжатлар «муқаддас иероним қардошлиги» ва «югославия ҳайрия жамияти» томонидан берилган. Бу жамиятларнинг Югославия граждданларига ҳужжат беришга ҳечқандай ҳақи йўқ эди.

Югославия ҳукумати комиссиянинг бундай ишига қарши норозилик билдириб, Ватикандан Югославиянинг ва Бирлашган миллатларнинг манфаатларига қарши қаратилган ишларга чек қўйиш тўғрисида комиссияга тегишли кўрсатмалар беришни кутади.

Иккинчи нотада айтилишича, Англия ташқи ишлар министрлигининг шу йил 3 январьда берган нотасида Ватикан территориясида Владимир Вельмар Янкович ва бошқа югославияли ҳарбий жиноятчилар борлиги тўғрисида Югославия ҳукуматига ма'лум қилинган. Югославия ма'мурлари ҳам уларни суд қилиш учун Югославия ма'мурларига топшириш мақсадида қидираётган Америка ва инглиз ма'мурлари ҳам уларнинг айёлар эканлигини аниқлаган эди.

Югославия ҳукумати ана шу ҳарбий жиноятчиларни тезликда қамоққа олиш ва уларни Юголавия ма'мурларига топшириш учун фармойиш беришни Ватикандан сўрайди.

«БУЮҚ СУРИЯ» ЛОЙИҲАСИ ТУҒРИСИДА МИСР ЖУРНАЛИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ҚОҲИРА, 3 февраль (ТАСС). «Ахбор Альяум» журнали «Хавфли сиёсий бомба Қирол Абдулла куч ёрдами блан «Буюк Сурия» лойиҳасини амалга оширмоқчи бўлади» деган сарлавҳали мақола босиб чиқарди.

Мақола эгаси қуйидагиларни ёзади: «Буюк Сурия» лойиҳаси пухта ўйлаб тузилган планлир. Бу планни тузишда араб доираларининг вакиллари, шунингдек Яқин Шарқда бўлган бирқанча инглизлар қатнашди. Бу кишиларнинг ҳаммаси лойиҳани бажариш йўлидаги ҳаракатлар мустақиллик йўлидаги миллий ҳаракат шаклида ўтказилсин, деб қарор қилдилар. Инглизлар эса, енг ичида ҳаракат қилмоқчилар. Инглизларнинг қандай мақсадларе кузатаётганлиги ма'лум. Улар ҳозирги вақтда Трансорданиялаги та'сирларини шу лойиҳа воситаси блан бошқа жойларга ҳам ёймоқчилар. Ана шу ниятни амалга ошириш учун Сурияда ҳозирги тузумни йўқотиш ва бу мамлакатни Трансордания блан бирлаштириш керак. Қирол Абдулла Сурияда агентларининг хабарларига асосланиб, «Буюк Сурия» лойиҳасини пропаганда йўли блан амалга ошириш мумкин, деб ўйлади». Аммо,—деб ёзади мақола эгаси,—лойиҳани тузган кишилар нутқ, суҳбат ва'да бериш ва пропаганданинг бошқа усуллари «Буюк Сурия»ни вужудга келтириш учун кифоя эмаслигини тез орада кўриб билдилар.

Мақола эгасининг ёзишича, «Буюк Сурия» лойиҳасининг тарафдорлари эндиликда бу лойиҳани ҳарбий куч ёрдами блан амалга ошириш керак деган фикрга келдилар. Транспорданияда армияга Сурия чегарасидан ўтиш, Сурияннинг ерига бостириб кириб ,уни ишғол қилиш ҳақида буйруқ бериш учун қулай фурсатдан фойдаланишга тайёр турмоқдалар. Шундан кейин Трансордания, «Буюк Сурия» қироллиги тузилганлигини э'лон қилади ва сурияллар бу кироллиқни танишга мажбур бўладилар.

Мақола эгаси ёзади: Трансордания қўшинларини Сурияннинг Трансордания ва Фаластин блан чегараларида тўплаш учун амалий чоралар кўрилди. Бу қўшинлар ҳужум бошлаш учун баҳона кутиб турадилар. Трансордания армияси 40 мингдан иборат бўлиб, яхши қуроллангандир. Бу армия инглиз Глабб-пошшо раҳбарлигида остида ҳарбий жиҳатдан мукаммал тайёргарлик кўрган.

Сўнгра, мақола эгаси «Буюк Сурия» лойиҳасининг асосий ва бош тарафдорларидан бири бўлмиш Нури Саид раҳбарлигидаги Ироқ Трансорданияни қувватлайди, деб ёзади. Нури Саид Туркия блан Ироқ ўртасида шартнома тузиш баҳонаси блан Туркияга бориб келди. Аслда эса у қирол Абдулланинг Туркияга сафар қилиши ва «Буюк Сурия» планини амалга ошириш учун замин тайёрлаб келди.

ХАРБИЙЛАР АТОМ КОМИССИЯСИНИНГ ҲУЖАЙИНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 1 февраль (ТАСС). Америка Қўшма Штатларининг сенатида атом энергиясини ривожлантириш ва назорат қилиш юзасидан Америка Қўшма Штатлари ички комиссиясининг составига Трумэн томонидан кўрсатилган номзодлар муҳокама қилинган вақтда ҳарбийлар ва республикачилар орасидаги энг тажовузкор кишиларнинг комиссия ишларида ҳарбийлар та'сирини янада кучайтириш йўлидаги ҳаракатлар э'тиборни ўзига жалб этди. Масалан Лилиенталь номзодини комиссия раиси лавозимига тасдиқламаймиз деб таҳдид қилишиб, уни комиссиянинг ҳамма мажлисларида ҳарбийларнинг иштирок қилиши лозим булишга кўндиришдилар. Бу масаланинг сенатда муҳокама қилиниши комиссия граждан кишилардан иборат, деб кўрсатганлари ҳолда, унда аслда ҳарбийларнинг ҳужайинлик қилганликларини исбот этади. Конгрессдаги энг тажовузкор кайфиятда бўлган доиралар бу ҳарбийларни қувватлайдилар.

Шуниси қизиқки, сенатнинг кўпгина а'золари 1945 йилда Смиттнинг атом энергияси ҳақида ёзган китобининг босиб чиқарилиши тўғрисида норозилик билдирдилар. Уларнинг фикрича, бу китобда ҳалдан ташқари кўп нарса ҳақида гапирилган. Шу муносабат блан олимлар ҳарбийларни айбласалар, ҳарбийлар олимларни айбламоқдалар.

Газеталарнинг билдиришига қараганда, Остин Маршалл блан ва сўнгра Трумэн блан мусоҳаба қилганидан кейин мен Хавфсизлик Кенгашида даставвал атом энергияси халқаро назорат остига олинсин ва сўнгра қуролсизланиш масаласи муҳокама қилинсин, деб талаб қилмайман, деган. Шу блан бирга у атом комиссиясининг доклади даставвал муҳокама қилинсин деб талаб этаман, деган. Унинг фикрича, Ассамблеянинг қурол-яроғни тартибга солиш ва камайтириш тўғрисида 14 декабрьда чиқарган резолюциясига тоир масалаларни қараб чиқабошлашдан аввал атом комиссиясининг доклади муҳокама қилиниши керак.

АНГЛИЯ ҚИРОЛИНИНГ ЖАНУБИЙ АФРИКАГА САФАРИ ТУҒРИСИДА «РЕЙНОЛЬДС НЬЮС» ГАЗЕТАСИНИНГ ФИКРИ

ЛОНДОН, 3 февраль (ТАСС). «Рейнольдс ньюс» газетасининг дипломатия обзорчиси Брейлсфорд Англия қирол оилаасининг Жанубий Африка Иттифоқига сафари тўғрисида ёзиб, Англия ҳукуматини «қиролнинг иззат-ҳурматини намойишкорона кўрсатиш учун» Жанубий Африкани танлаганини танқид қилади. Обзорчи бунлай дейди: «Смэтс оқ кишиларнинг қорлар ва ҳиндилар устидан ҳукмронлигини э'лон қилган эди. Бирлашган миллатлар ташкилотининг Бош Ассамблеясининг бу ҳатти-ҳаракатини расмлик якдиллик блан қоралаган эди. Шунлай кейин Британия ҳукумати Смэтсга бунлай ҳурмат кўрсатмоқда». Обзорчи шу нарсага э'тиборни жалб этади.

Брейлсфорд «ана шу сафарга ҳалдан ташқари кўп сармоя чиқарилишини» қоралайди.

Брейлсфорд Жанубий Африка Иттифоқидаги аҳволни тасвирлаб, қуйидагиларни ёзади: «Демократиянинг бу ҳолда менсимаслик каби ҳол бутун дун'ёда бўлган эмас» Брейлсфорд елиларнинг фақирлиги ва эзилиши блан Жанубий Африкапинг бойлиги ўртасида катта фарқ борлигини кўрсатиб, бунлай дейди: «Кўпроқ фойда олиш учун бир иркнинг иккинчи ирқ томонидан эзилишига асосланган бунлай жамиятга кирол бизнинг табриғимизни топширмоқчи. Бу ҳолда гап социалистлар сифатидаги обрўйимизни мухимроқ нарса тўғрисида борди».

Сўнгра, Брейлсфорд Смэтснинг Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан чиқарилган қарорларни менсимаганлиги тўғрисида гапириб бунлай деди: «Агар у ўзининг шунлай ҳатти-ҳаракатини ўжарлик блан давом этдирилган бўлса, у ҳолда Бирлашган миллатлар ташкилоти камситиёзли нокларни зулмлан ҳимоя қилиш учун бирор чора кўраолишига умид боғлай олмаймиз Смэтснинг маданият олиндаги ана шу хизмати учун ҳурмат килмоқчи бўламизми?».

ГОЛЛАНДИЯНИНГ ДЕНГИЗ ПИЁДА АСКАРЛАРИ ЎРТАСИДА ИСЁН

ЛОНДОН, 30 январь (ТАСС) Рейтер агентлиги Гаагадан олиб билдирали: Голландиянинг Индонезияга жўнаб кетаётган «Бойсевейн» деган кемасида денгиз пиёда аскарларидан 200 солдат исён кўтарди.

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН 15-НЧИ ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ

ЛЕНИНГРАД, 2 февраль (ТАСС). Бугун ВЦСПС нинг Киров номидаги Мадания сарайининг катта залида СССР биринчилиги учун 15-нчи шахмат мусобақаси бошланди.

Мусобақада мамлакатнинг энг кучли шахматчиларидан 20 киши, чунончи: гроссмейстерлардан И. Болеславский, И. Бондаревский, П. Керес, А. Лилиентэль, Г. Левенфиш, В. Рагозин, В. Смислов ва С. Флор, мастерлардан В. Алаторцев, И. Кан, М. Юдович, Д. Бронштейн, П. Дубинин, А. Толуш, Д. Каспарян, В. Макагонов, А. Уфимцев ва Б. Гольденов, мастерликка қандидат К. Кламан ва Л. Аронинлар қатнашади.

Энг кучли шахматчиларнинг мусобақасини тамоша қилиш учун мингдан ортиқ киши тўпланди. Соат 18 да мусобақанинг бош судьяси ўртоқ Зубарев соатларни юргизиб юборишни таклиф этади. Мусобақа бошланади.

Флор блан Бронштейн ўртасидаги ўйинда қоралар эски ҳинд ҳимоя усулини қўлланди. Мураккаб кураш бошланди. Лекин кейинчалик бир юриш уч марта такрорланганлиги туфайли ўйин дуранг бўлди.

Толуш блан Смислов ўртасидаги ўйин ҳам деярлик бир вақтда тугади. Ленинград чемпиони Толуш чех ҳимоя усулини қўлланиб, аввал бир пиёдасини, сўнгра яна бир пиёдасини қурбон қилди ва душманнинг шохига қарши кучли ҳужумга тайёрланди. Аммо Смислов ўз доналаридан бирини қурбон қилиб, бу ҳужумни қайтарди. Гроссмейстер Смислов усталик блан ўйнаб, ғалаба қозонди. Толуш 27 юришда таслим бўлди.

Бондаревский блан Лилиентал ўртасидаги ўйин дуранг бўлди. Дастлаб Бондаревскийнинг қўли бирмунча баланд эди. Аммо донолар алмаштирилгандан кейин улар дуранг қилишга рози бўлдилар.

Гроссмейстер Керес қора донолар блан мастер Каспарянга қарши ўйнаб, бошдаёқ ташаббусни ўз қўлига олди ва оқларнинг шохи турган фарзин томонида кучли ҳужумга тайёрланди. Керес бу ҳужумни охиригача етказди ва ғалаба қозонди.

Аронин блан Рагозин ўртасидаги ўйин кескин курашдан кейин дуранг бўлиб тугади.

Болескавский — Алаторцев, Уфимцов — Левенфиш, Макагонов — Юдович, Кан — Кламан, Гольденов — Дубининлар ўртасидаги ўйинлар кечиктирилди.

Меҳнаткашлар депутатлари Ленинград шаҳар Советининг ижроия комитети мусобақанинг Ленинградда ўтказиладиган қисмида бўлган энг чиройли ўйин учун мукофот белгилади.

Эртага иккинчи довра ўйналади. Керес — Рагозин, Смислов—Гольденов, Бронштейн — Толуш, Левенфиш — Макагонов лар ўртасидаги ўйинлар айниқса қизиқарли бўлса керак.

Учта тираж

1947 йил февраль ойида давлат заёмлари ютуқларининг учта тиражи бўлади. 15 февральда Учинчи Бешйиллик Заёми учинчи ва тўртинчи чиқарилиш ютуқларининг тиражи ўтказилади. Заёмнинг учинчи чиқарилиши тиражида 111.053.200 сўмлик 671.600 ютуқ, тўртинчи чиқарилиш тиражида 84.497.000 сўмлик 511.000 ютуқ ўйналади. Ҳар икки тиражнинг ютуқлари орасида 3.000 сўмликдан 162 ютуқ бор.

22—23 февральда 1942 йилги Ҳарбий Заёмнинг ютуқлар тиражи бўлади. Бу тиражда 271.565.200 сўмлик 1.017.750 ютуқ, шу жумладан 50.000 сўмликдан 118 ютуқ, 25.000 сўмликдан 236 ютуқ, 10.000 сўмликдан 590 ютуқ ўйнайди. (ТАСС).

БИЛДИРИШ

Шу йил 5 февраль, кундуз соат 1 да Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзида шоир Туроб Тўла ва Асқад Мухторларнинг «Менинг ўғлим» номли драмаси ўқиб, муҳокама қилинади. Докладчи ўртоқ З. Фатхуллин.

Шу куни кеч соат 7 да, поэзия секциясида ёзувчиларнинг фалсафа фанлари доктори ўртоқ Воҳид Зоҳидов блан учрашуви бўлади.

Қизиққан ўртоқларнинг келишлари мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУВЧИЛАРИ СОЮЗИ.

Мас'ул муҳаррир Ўринбосари: Р. САҲИБОЕВ

ТЕАТРЛАРДА:

МУҚИМИЙ ТЕАТРИДА — 5 февральда Қизил гул, 6 февральда Офтобхон.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Ф. В. Федин раҳбарлигидаги цирк труппасининг гастрольлари. Аттракцион — йиртқич ҳайвонлар. Тамоша кеч соат 9 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ» — янги овозли бадиий тарихий фильм Адмирал Нахичев; «ИСКРА» — Безимянний ороли; «ЎЗБЕКИСТОН» — Безимянний ороли; «НОВОСТИ ДНЯ»—Бу воқиа Донбассда бўлган эди; «ВЕСНА» — Бой келин; АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КЛУБИ — Оқариб кўринар ёлғиз елкан, 6 февральдан Айбсиз айбдорлар.

Самарқанд қишлоқ хўжалик техникуми қошидаги бир йиллик БИНОКОР ДЕСЯТНИКЛАР МАКТАБИГА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мактабга камида 6 синф ҳажмида ма'лумоти бўлган кишилар қабул қилинади.

Қабул қилинганлар стипендия, ётоқ ва овқат блан та'минланадилар.

Аризалар 1947 йил 15 февральгача қабул қилинади.

Ўқиш 1947 йил 20 февральда бошланади.

Аризага ўқув юртларига кириш учун зарур бўлган ҳужжатлар қўшиб берилади.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Самарқанд шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 96-нчи уй, Қишлоқ хўжалик техникуми.

Венгрияни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг уч йиллик план лойиҳаси

БУДАПЕШТ, 2 февраль (ТАСС). Венгрия коммунистлар партиясининг марказий комитети яқинда Венгрияни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ҳақидаги уч йиллик планга бағишланган матбуот конференцияси ўтказди. Бу план Марказий Комитетнинг комиссияси томонидан ишлаб чиқилган эди. Матбуот конференциясида Венгрия ва чет эл мухбирларидан 100 дан ортиқроқ киши қатнашди.

Венгрия коммунистлар партиясининг бош секретари, бош министр ўринбосари Ракоши Матиас матбуот конференциясида ҳозир бўлган кишиларни лойиҳанинг асосий принциплари ва ҳўжаликнинг муҳим тармоқларида белгиланган мўлжаллар блан таништирди. Лойиҳада уч йил мобайнида ҳўжаликка уч миллиард форинт маблағ солиш мўлжалланади. Бунинг натижасида, уч йилнинг охирига бориб мамлакатнинг миллий даромади 24 миллиард форинтга етиши керак. Биринчи навбатда кўмир саноатида, қора металлургия ва оғир машинасозлик саноатида катта маблағлар сарфланиши лозим. Майда саноатга катта э'тибор берилади. Бу саноат маҳсулоти 110 процент кўпайиши керак.

Ҳўжаликка маблағ солиш соҳасидаги умумий планда қишлоқ ҳўжалигига сарф ланадиган маблағлар анчагина ўринни олиши керак. Урушдан аввалги сўнгги ўн йил мобайнида ҳўжаликка солинган умумий маблағнинг фақат 6,5 процентигина қишлоқ ҳўжалигига сарфланган эди. Ракоши айтдики, ер ислоҳоти ўтказилиб 700 мингга яқин деҳқонлар ер олган ҳозирги пайтда, биз ана шу янги ҳўжаликларни кучайтириб юборишни истаймиз.

Уч йиллик план урушдан аввалги маҳсулот етиштириш даражасидан ошиб кетишини ва аҳолининг ҳаётини яхшилашни кўзда тутади.

Ракоши сўзининг охирида, демократия руҳидаги сиёсат ғайрат блан амалга оширилган тақдирдагина уч йиллик план бажарилиши мумкин, деди. Республикага қарши иш кўрган фитначиларнинг яқинда фош қилиниши муносабати блан, мамлакатни иқтисодий жиҳатдан тиклаш ва уни барқарор аҳволга келтириш соҳасида эришилган муваффақиятларнинг аҳамиятини ҳозирги кунда демократларгина эмас, балки демократия душманлари ҳам англаётганлиги ҳарбир кишига очиқ-равшан бўлиб қолди. Демократия душманлари, ҳозирги демократик тузумга халқ ишончи ошиб бораётганлигини тушинаётирлар ва шунинг учун улар иқтисодий сиёсатнинг муваффақият блан амалга оширилишига жон-жаҳдлари блан қаршилик кўрсатишга уринмоқдалар.

Ракоши айтдики, Венгрияни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш соҳасида тузилган ва ҳозир тақдим қилинаётган план лойиҳасининг муваффақият блан амалга оширилиши, тескаричиларга қарши нақадар муваффақият блан кураш олиб боришимизга боғлиқдир. Жинояткор Хорти тўдаси мамлакатни иқтисодий ҳалавайронликка туширди. Венгрия демократияси мамлакатни шу аҳволдан чиқариш учун бутун кучини сарф этали.

Ракошининг сўзидан сўнг Венгрияни ривожлантириш уч йиллик планнинг лойиҳасини тузиб чиққан комиссиянинг раҳбари транспорт министри Гере Эрне матбуот конференциясида қатнашган кишиларнинг жуда кўп саволларига жавоб берди.

«Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган матбаасининг босмахонаси.

Тиражи 64,5 минг № 89. Р. 00121